



Соғлиқни сақлаш муассасалари бошқарув ходимлари учун ойлик журнал
Sog'liqni saqlashni tashkil etish va boshqarish
Организация и управление здравоохранением
Ежемесячный журнал для руководящих работников учреждений здравоохранения

ADYI
AXB-RESURS MARKAZI

INV №



ISSN 2091-5993

№3 (141)
2022

**Шифокорлар учун эслатма:
коронавируснинг омикрон-
штамми ҳақида нималарни
билиш керак**

**Лабораторияни аутсорсингга беринг. Шартномада
нималарни назарда тутиш керак**

**Семизлик мавжуд кардиологик бемор:
ташхислаш ва даволаш принциплари**

**Памятка для врачей: что
нужно знать об омикрон-
штамме коронавируса**

**Отдайте лабораторию на аутсорсинг. Что учесть
в договоре**

**Кардиологический пациент с ожирением:
принципы диагностики и лечения**



Jurnal O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi ko'magida nashr etiladi
Журнал издается при поддержке Министерства здравоохранения Республики Узбекистан





Как помогает Система Госзакупки

Рекомендации

Каждая рекомендация – это подробный пошаговый алгоритм, следуя которому специалист по закупкам не допустит ошибок. Рекомендации разрабатывают практикующие эксперты – сертифицированные специалисты, юристы, сотрудники УзРТСБ и Минфина.

Рекомендации написаны простым языком – они понятны и легко применимы на практике.

Шаблоны и формы документов

Все необходимые для госзакупок формы и шаблоны документов. В Системе есть заполненные образцы, поэтому пользователю остается лишь скачать бланк и внести свои данные.

Справочники

Удобный инструмент, с его помощью можно быстро узнать актуальную базовую расчетную величину, ставку рефинансирования и значение термина Инкотермс.



Мы рады ответить на
ваши вопросы по номеру:
78 150-00-09

Заходите на 1gz.uz и активируйте
Бесплатный доступ на 3 дня – оцените
все возможности Системы Госзакупки!



№3(141)
2022
MART

ТАХРИР КЕНГАШИ РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

- Асадов Д.А.** Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш марказининг Жамият соғлиғи ва соғлиқни сақлашни бошқариш кафедраси mudiri, т.ф.д., профессор
Заведующий Кафедрой общественного здоровья и управления здравоохранением Центра развития профессиональной квалификации медицинских работников, д.м.н., профессор
- Ахмедова Д.И.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика иختисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт педиатрия маркази директори, т.ф.д., профессор
Директор Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра педиатрии Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, д.м.н., профессор
- Бабаджанов А.С.** Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг кафедра mudiri, т.ф.д., профессор, Ўзбекистон Республикасининг хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими
Заведующий кафедрой Ташкентского педиатрического медицинского института, д.м.н., профессор, заслуженный работник здравоохранения Республики Узбекистан
- Гафуров Б.Г.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош неврологи, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг неврология кафедраси mudiri, т.ф.д., профессор
Главный невролог Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, заведующий кафедрой неврологии Ташкентского института усовершенствования врачей, д.м.н., профессор
- Даминов Б.Т.** Республика иختисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази директори, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори, т.ф.д., профессор
Директор Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра нефрологии, ректор Ташкентского педиатрического медицинского института, д.м.н., профессор
- Изатов Р.Ш.** Ўзбекистон Республикаси инновацион соғлиқни сақлаш Миллий палатаси raisи
Председатель Национальной палаты инновационного здравоохранения Республики Узбекистан
- Искандарова Ш.Т.** Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Жамият саломатлиги кафедраси mudiri, т.ф.д., профессор
Заведующий кафедрой общественного здравоохранения Ташкентского педиатрического медицинского института, д.м.н., профессор
- Хананияев Ф.Р.** Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касба уюмаси Республика Кенгаши raisи
Председатель Республиканского совета профессионального союза работников здравоохранения и фармацевтики Узбекистана

2022 йил март, 3 (141)-сон,
2010 йил июдан чоп этилмоқда.

Муассис: «MTSFER-U Nashriyot uy» MCHJ
Директор – Тургунов У.А.

Тахририят:
Бош мухбир: **Богданова Р.Д.**
Тарғибчи: **Гулова Н.Р.**
Мулқдор: **Мааллиева Ш.Э.**
Техник мухбир: **Мухамедгалова Ф.Ш.**
Компьютер техникаси дизайнери: **Махкамов Ф.А.**

Обуна ва маркетинг бўлими бош менежери: **Арипов Х.С.**
Назар учун масъул: **Богданова Р.Д.**

Ҳафта: Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касба уюмаси Республика Кенгаши

Тахририят манзили:
100060, Тошкент ш., Миробод тумани,
Нукус кўч., 1-тор кўча, 4-уй,
Тел. (+998 78) 350-00-09
E-mail: R.Bogdanova@action-mchj.uz

Журнал Ўзбекистон Республикаси Марбуғот ва ахборот агентлигинда 2010 йил 11 февралда рўйхатга олинган. 0581-сонли гувоҳнома.

Журналнинг «Metbuot tarqatuvchi» АК обуна каталогидagi индекслари:
жисмоний шахслар учун – 1227,
корпоратив шахслар учун – 1228

ISSN 2091-5993. Формат 70×106, 1/16, 5 б.х., 6,40 ш.б.х. Адрас 1000 нукус. Чоп этилиш 22.02.22 йилда рўйхат этилди. Сўғит устида босилди 448-сонли бурчлик. MCHJ «Колора» босмахонасида чоп этилди. Тошкент ш., Юнусобод тум., 17-квартал, Янги-шакар кўч., 1а-уй.

Журнал эйда бир марта чиқади.
Бахоси келтирилган нархда.

«Юр ўрни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш» журналидан кўнраиб босиш факат тахририятнинг яна розилиги билан амалга оширилади. Маълумати далилларнинг қизиқинчилигига мувофиқлар шанс масъул.

№3 (141), март 2022 йил,
Издается с июля 2010 года.

Учредитель: ООО «Издательский дом МЦФЭР-У»
Директор – Тургунов У.А.

Редакция:
Главный редактор: **Богданова Р.Д.**
Переводчик: **Гулова Н.Р.**
Корректор: **Мааллиева Ш.Э.**
Редактор технического: **Мухамедгалова Ф.Ш.**
Дизайнер компьютерной графики: **Махкамов Ф.А.**
Главный менеджер отдела продвижения и маркетинга: **Арипов Х.С.**
Ответственный за выпуск: **Богданова Р.Д.**

Партнер: Республиканский Совет профессионального союза работников здравоохранения и фармацевтики Узбекистана

Адрес редакции:
100060, г. Ташкент, Мирободский район, ул. Нукус,
1-проезд, д. 4. Тел. (+998 78) 350-00-09
E-mail: R.Bogdanova@action-mchj.uz

Журнал зарегистрирован в Агентстве по печати и информации Республики Узбекистан 11 февраля 2010 года. Регистрационное свидетельство № 0581.

Подписные индексы журнала в каталоге АК «Metbuot tarqatuvchi»:
для индивидуальных подписчиков – 1227,
для юридических подписчиков – 1228.

ISSN 2091-5993. Формат 70×106, 1/16, п.д. 5, у.п.д. 6,40. Тираж 1000 экз. Подписано в печать 22.02.22. Печать офсетная. Заказ № 448. Отпечатано в ООО «Колора», г.Ташкент, Юнусободский р-н, 17-квартал, ул. Янги-шакар, д. №1а.

Журнал выходит один раз в месяц.
Цена договорная.

Передача материалов журнала «Организация и управление здравоохранением» допускается только с письменного разрешения редакции. Авторы несут личную ответственность за достоверность фактов и событий, содержащихся в публикации.



	ДОЛЗАРЪ МАВЗУ		АКТУАЛЬНАЯ ТЕМА
3	Шифокорлар учун эслатма: коронавируснинг омикрон-штамми ҳақида нималарни билиш керак	42	Памятка для врачей: что нужно знать об омикрон-штамме коронавируса
6	Covid-19га қарши эмланиш ҳақидаги саккизта уйдирма таҳлили: шифокорлар миждозларнинг саволларига қандай жавоб беришлари керак	45	Восемь мифов о вакцинации против Covid-19: как врачам отвечать на вопросы пациентов
	СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ИҚТИСОДИЁТИ		ЭКОНОМИКА ЗДРАВООХРАНЕНИЯ
10	Лабораторияни аутсорсингга беринг. Шартномада нималарни назарда тутиш керак	49	Отдайте лабораторию на аутсорсинг. Что учесть в договоре
	СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ		ОРГАНИЗАЦИЯ И УПРАВЛЕНИЕ ЗДРАВООХРАНИЕМ
14	Р.К. Салиходжаева, Х.Д. Асадов Мамлакатимизда ҳамширалик иши қандай ташкил қилинган: шарҳ	53	Р.К. Салиходжаева, Х.Д. Асадов Как организовано медсестринское дело в стране: обзор
	ТИББИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ		ВРАЧЕБНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ
19	Семизлик мавжуд кардиологик бемор: ташҳислаш ва даволаш принциплари	58	Кардиологический пациент с ожирением: принципы диагностики и лечения
	ХОДИМЛАРНИ БОШҚАРИШ		УПРАВЛЕНИЕ ПЕРСОНАЛОМ
27	Беморнинг рухий мақомини баҳолаш учун беш қадам. Шифокорлар ва ҳамширалар учун алгоритм	66	Пять шагов, чтобы оценить психический статус пациента. Алгоритм для врачей и медсестер
	НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАР		НОРМАТИВНЫЕ АКТЫ
34	2022-2026 йиллар учун соғлиқни сақлаш мақсадлари тасдиқланди	73	Утвердили цели в здравоохранении на 2022-2026 годы
37	2022-2024 йилларга кардиология хизматини ривожлантириш дастури тасдиқланди	76	Утвердили Программу по развитию кардиослужбы на 2022-2024 годы
39	Шу йилдан бошлаб эндокрин касалликлар патронажининг янги модели амал қила бошлайди	78	С этого года начнет работать новая модель патронажа эндокринных заболеваний
41	1 апрелдан клиник лабораториялар аутсорсинги бўйича тажрибалар бошланади	80	С 1 апреля начнут эксперимент по аутсорсингу клинических лабораторий



Долзарб мавзу

Шифокорлар учун эслатма: коронавируслинг омикрон-штамми ҳақида нималарни билиш керак

Вирусология ИТИ экспертлари янги омикрон-штамми ҳақида ҳаммасини айтиб беришди. Шифокорларга, беморларни даволаш ва уларнинг саволларига жавоб бера олишлари учун унинг қандай хавф туғдиришини, симптомларини, дельта-штамдан фарқини, эмланишнинг қандай самараси борлигини тушунтиринг.

Янги штамм қандай хавф туғдиради

Янги штаммда вируснинг дастлабки вариантыга қараганда мутациялар сони анча кўп. Тадқиқотчилар вирусда 32та мутацияни аниқлашди, улардан учтаси – S-оқсилда, вирус одам организмга шу оқсил ёрдамида кириб олади. Шунинг учун аксилтаначалар вирус билан ёмонроқ боғланади. Вирус осон юқади ва ҳаттоки, аҳолини эмлаш даражаси юқори бўлган мамлакатларда ҳам жуда тез тарқалади. Омикрон касалликни бошидан кечирганларда ҳам, эмланганларда ҳам, агар уларда ҳимоя аксилтаначалари кам бўлса, иммун ҳимоясини четлаб ўтиш қобилиятига эга.

Омикрон симптомлари қандай

Омикроннинг энг кўп учрайдиган симптомлари – яққол ифодаланган, одамнинг силласини қуритадиган қувватсизлик, бош оғриғи, тана ҳароратининг 380C ва ундан юқори кўтарилиши, мушаклардаги оғриқлар, тумов, томоқ қичиши ёки оғриши, аксириш ёки йўтал.

Айрим беморларда диарея ривожланади, болаларда тошма пайдо бўлиши мумкин. Бошқа штаммлардан фарқли ўлароқ, омикронда хид сезиш ва таъм билиш жуда кам ҳолларда йўқолади, бундан ташқари, омикрон, нафақат катталарни, балки болалар ва ўсмирларни ҳам кўпроқ зарарламоқда.

Дельта-штамдан фарқи қандай

Омикрон дельтага қараганда бир неча баравар тезроқ юқади, инкубация

Шифокорлар учун эслатма. Янги коронавирус штаммлари хусусиятлари

ЖССТ коронавирус вариантларини уларнинг тарқалганлиги ва биологик хоссалари – контагиозлиги, патогенлиги, нейтралловчи аксилтаначалар фаоллигига боғлиқлигига қараб икки гуруҳга ажратади.

Биринчи гуруҳ – хавотирланиш ўринли бўлган вариантлар (VOC).

SARS-CoV-2 варианты глобал жамоат саломатлиги учун аҳамияти даражасида қараб, куйидаги битта ёки бир нечта ўзгаришлар билан боғлиқликни намойиш этди:

- трансмиссивликнинг ошиши ёки Covid-19 эпидемиологиясининг ҳалокатли ўзгариши;

ЁКИ

- вирулентликнинг ошиши ёки касаллик клиник манзарасининг ўзгариши;

ЁКИ

- тиббий-санитария ва ижтимоий чоралар ёки мавжуд ташҳислаш воситалари, вакциналар, терапевтик воситалар самарадорлигининг пасайиши.

Булар альфа (Буюк Британияда 2020 йилнинг сентябрида аниқланган), бета (ЖАРда 2020 йил май ойида аниқланган), гамма (Бразилияда 2020 йил ноябрда аниқланган), дельта (Ҳиндистонда 2020 йил октябрда аниқланган) ва омикрон (ЖАРда ва Ботсванада 2021 йил ноябрда аниқланган) штаммлари.

Дельта ва омикрон геномида вируснинг юқувчанлигини (контагиозлигини), вируснинг S-оқсиллини АПФ-2 га яқинлигини оширадиган, олдинги инфекциялардан кейинги ва вакциналардан кейинги ҳосил бўлган аксилтаначалар томонидан танилишни пасайтирадиган мутациялар мавжуд. Омикронда коронавируснинг S-оқсилда кўплаб ўзгаришлар бўлган, уларнинг ярмиси рецепторни боғловчи доменга тегишли. SARS-CoV-2 нинг барча вариантлари орасида юқувчанлиги энг юқори.

Иккинчи гуруҳ – қизиқиш уйғотадиган вариантлар (VOI).

SARS-CoV-2 варианты:

- прогноз қилинадиган ёки вируснинг тавсифларига таъсир қилиши ҳақида маълумотлар бўлган генетик ўзгаришлар: трансмиссивлик, касалликнинг оғирлик даражаси, иммун жавобнинг юзага чиқмаслиги, ташҳислаб бўлмаслиги ёки терапевтик самарадорлиги пастлиги;

ВА

- ушбу вариантда инфекциянинг аҳоли ўртасида кўп тарқалиши ёки кўп мамлакатларда кўплаб Covid-19 кластерлари аниқланган, бунда вақт ўтган сайин касалланиш ҳолатлари сони ортиши ёки бошқа яққол эпидемиологик таъсирлар кузатилади, улар глобал жамоат саломатлиги учун катта хавф тугилаётганидан далолат беради.

Уларга лямбда ва мю вариантлари киради. Кўпчилик мамлакатларда кенг тарқалган. Уларнинг биологик хоссаларини ўзгартириб юбориши мумкин бўлган мутациялар мавжуд, аммо бунинг ҳали исботи йўқ.

даври қисқароқ (икки кундан беш кунгача). Дельта-штамда оғир ҳолатлар кўпроқ учрайди, чунки вирус нафас йўллари ҳужайралари рецепторларига маҳкамроқ боғланади. Дельта штаммига чалинган беморларда пневмония тезроқ ривожланади, ўпканинг кўпроқ қисми зарарланади, леталлик даражаси юқори. Омикрон эса қўпинча енгил шаклда ўтади, ўпкани камроқ зарарлайди, кўпроқ юқори нафас йўллари зарарлайди.



МАЪЛУМОТ УЧУН

Коронавируснинг янги омикрон штамми биринчи бўлиб ЖАРда 2021 йил 24 ноябрда аниқланди. Олти ҳафтадан биров кўпроқ вақт ўтиб у бутун дунё бўйлаб тез тарқала бошлади. Аксарият мамлакатларда касалланишнинг шиддатли кўпайиши қайд этилди. Буюк Британияда янги штамми коронавирус юктириб олганларнинг сони уч баравар кўпайди. Шунингдек омикрон-штамдан дастлабки ўлим ҳолати ҳам шу мамлакатда рўйхатга олинди.

Эмланиш самараси борми

Сўнгги тадқиқотлар янги омикрон штамми билан зарарланганда вакциналарнинг самарадорлиги сезиларли тарзда пасайганини тасдиқлади. Аммо улар касалликнинг оғир шакллари ривожланишидан ва асоратлардан сақлайди. Бустер доза ҳимоя самарасини янада оширади. Эмланганларда касаллик асосан енгил шаклда ўтиб кетади. Жонлантириш бўлимларига тушган беморларнинг аксарияти эмланмаган бўлиб чиқмоқда. Касаллик юқишини олдини олиш учун бутун профилактика чораларига қатъий амал қилиш керак. Масалан, аҳолининг 80,8 фоизи эмланган Данияда аҳволи оғир беморларнинг жонлантириш бўлимларига ётқизилиши қайд этилмади. 2022 йил 19 январь ҳолатига кўра, Европа минтақасида омикрон билан касалланиш ҳолатлари бўйича қуйидагича маълумотлар мавжуд: 1,14 фоиз беморлар касалхоналарга ётқизилди, 0,16 фоизига интенсив терапия бўлимларига ётқизиш/респиратор ёрдам талаб этилди, 0,06 фоизи эса вафот этди.

Ўзбекистонда 2022 йилнинг дастлабки уч ҳафтасида омикрон штамми ҳисобига Covid-19 билан касалланишнинг кескин кўпайиши кузатилди, аммо бунда леталлик ошмади.

Омикроннинг иккита варианты бор – BA.1 ва BA.2, уларни омикроннинг эпидемиологик аҳамиятли эквивалент иккита кичик тури деб қараш мумкин. Данияда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, BA.2 BA.1га қараганда юқумлироқ бўлиб, вакциналардан яхшироқ яширинади. BA.2 омикроннинг олдинги кичик вариантларига қараганда оғирроқ кечади деб айтишга асос бўладиган маълумотлар йўқ.

ЖССТ маълумотларига кўра, BA.2 тарқалаётган мамлакатларда касалхонага ётқизиш кўрсаткичлари ошмаган. ПЗР-тестлари Омикроннинг ҳамма вариантларини аниқлайди.

Экспертларнинг фикрича, олдинги вариантларда ҳам бўлганидек, вакциналарнинг касалликнинг оғир кечиши, касалхонага ётқизишлар ва ўлимга қарши самараси аввалгидек юқоридир.

Мақола Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг вирусология ИТИ етакчи илмий ходими, т.ф.д. Рахимов Р.А. иштирокида тайёрланди.



Долзарб мавзу

Covid-19га қарши эмланиш ҳақидаги саккизта уйдирма таҳлили: шифокорлар мижозларнинг саволларига қандай жавоб беришлари керак

Мижозлардан Covid-19га қарши вакциналар ҳақида кўп учрайдиган саволларга ва эмланиш оқибатлари ҳақидаги уйдирмаларга жавобларни таклиф қиламиз. Бундай уйдирмалар туфайли одамлар ишдан четлаштириш ҳавфи остида ҳам эмланишни орқага суришмоқда. Шифокорларга одамларнинг Covid-19 ҳақидаги энг оммалашган янглиш фикрларига қарши далилларни ва ревакцинация (қайта эмланиш) ҳақидаги далилларни беринг.

Covid-19 ва вакциналар ҳақидаги энг кенг тарқалган уйдирмаларга қандай жавоб бериш керак

1. «Эмлангандан кейин юрак касалликлари – миокардит ва перикардит ривожланади».

Россиялик касбдошларнинг берган маълумотларига кўра, мРНК-вакциналар Pfizer-BioNTech ва Moderna билан эмланганда иккинчи вакцина юборилгандан сўнг бир неча кун ичида асосан 12-29 ёшдаги эркекларда миокардит ёки перикардит ҳолатлари қайд этилган. Мижозларнинг кўпчилиги ўткир симптомларни бартараф этиш учун касалхонага ётқизилган. АҚШдаги Иммунизация амалиёти бўйича маслаҳат қўмитаси (ACIP, Advisory Committee on Immunization Practices) маълумотларига кўра, мРНК-вакцина юборилгандан кейин миокардит юзага келиши эҳтимоли жуда паст, эмланиш афзалликлари эса мавжуд хавф-хатардан юқорироқ.

2. «Эмлангандан кейин тромбозлар пайдо бўлиши хавфи анча ошади».

Ўзбекистон ҳудудида рўйхатга олинган вакциналарни қўллаш билан боғ-

лик тромбозлар ва тромбоемболиялар қайд этилмаган. Вакцина юборилгандан кейинги реакциялар номақбул оқибатларсиз яқунланмоқда. Лаборатор қон таҳлилларидаги четлашишлар клиник аҳамиятга эга эмас, қўшимча ташҳисот амалиётлари ёки даволанишга зарурат йўқ.

3. «Коронавируслик ўзи йўқ, пандемия эса – бу халқаро фитна».

Коронавируслар оила сифатида яхши ўрганилган. Аксарият коронавируслар ҳайвонларда айланиб юрибди. Covid-19ни келтириб чиқарадиган вирусга расмий ном - SARS-CoV-2 - 2020 йил 11 февралда берилган. Бундан олдин анчадан бери тўртта бошқа коронавируслар: HCoV2-229E, HCoV-OC43, HCoV-NL63 ва HCoV-NKU1 маълум эди – бу одамларда мавсумий ўРВИни қўзғатувчилари бўлиб, юқори нафас йўллари зарарлайди ва оғир оқибатларга олиб келмайди. SARS-CoV-2 – бир занжирли РНКли вирус, унинг генетик материали тўлиқ расшифровка қилинган ва ушбу оиланинг кейинги вакили - SARS-CoV-1 вируси кетма-кетлигига 79 фоизга мос келади.

4. «Вакциналар ҳали ўрганилмаган, одамларда тажрибалар ўтказишяпти».

Бугунги кунгача бутун дунёда икки миллиардга яқин одам эмланишнинг тўлиқ циклидан ўтказилди, ҳар хил вакциналар бўйича ўндан ортиқ халқаро плацебо-назорат қилинадиган клиник тадқиқотлар олиб борилди, улар Covid-19га қарши эмланишнинг хавфсизлиги ва самарадорлигини намойиш этди.

5. «Вакцина иш бермаяпти, чунки эмланган одамлар ҳам барибир касаллик юқтирмоқда».

«Вакцинанинг профилактик самарадорлиги» деган тушунча бор – бу эмланган одамлар гуруҳида вакцина олмаганларга қараганда, бошқа мақбул шарт-шароитларда, касалланиш даражасининг пасайиши фоизини англатади. Шунингдек, «иммунологик самарадорлик» тушунчаси ҳам бор – бу организмга юборилган вакцина антигенига жавобан специфик аксилтаначалар ҳосил бўлиши. 95 фоиз самарадорлик «иммунологик самарадорликни кўрсатади», эмланган одамда касалга чалиниш эҳтимоли 5 фоиз эканлигини англатмайди. Вакцинанинг бундай самарадорлигида эмланган одамда эмланмаган одамга қараганда касаллик юқтириш эҳтимоли 20 марта паст бўлади.

Дунёда мавжуд вакциналарнинг бирортаси ҳам юз фоиз самарадорликка эга эмас, аммо эмлашнинг вазифаси – нафақат вирус юқтиришлар сонини камайтириш, балки касалликнинг оғир шакллари, хавфли асоратлари ва ўлим ҳолатларининг ҳам олдини олишдир.

6. «Мен вакцинага қарши эмасман, аммо мени мажбурлашаётгани туфайли уни олгим келмаяпти».

Covid-19га қарши эмланишдан кўзланган мақсад – одамларни эмлашга мажбурлаш эмас, балки инфекция тарқалишини жиловлашга ҳаракат қилиш ва алоҳида аҳоли гуруҳлари – эмлаш қарши кўрсатилган одамларни ҳимоя қилиш. Ялпи вакцинопрофилактика – хавфли юқумли касалликларга иммунитет ҳосил қилиш орқали жамият соғлигини сақлашнинг ажралмас қисми. Бунда давлат профилактик эмлашларнинг бепул ўтказилишини кафолатлайди.

7. «Одамлар эмлангандан кейин ўлиб қолмоқда ёки оғир шаклда касал бўлмоқда».

Интернетда одамлар ўз шахсий ҳаётларини кучли ҳиссиётлар билан таърифлаб берадилар, шунинг учун улар тез тарқалиб кетади, аммо кўп ҳолларда инсоннинг эмлангандан кейин ўлиб қолгани вакцина билан умуман алоқаси йўқлиги маълум бўлган. Эмланган беморларнинг янги коронавирус инфекцияси юқтириб олиб ва жонлантириш бўлимларига тушиб, вафот этган барча ҳолатларда шифокорлар қуйидагиларни таҳлил қилади:

- эмлангандан кейин нечанчи кунга касаллик юққан, чунки ҳали иммунитет ҳосил бўлмаган бўлиши мумкин;
- икки компонентли вакциналарнинг иккала дозаси олинганми;
- бемор қачон эмланган, агар эмлангандан кейин олти ойдан кўп вақт ўтган бўлса, қайта эмланиш зарур;
- беморнинг иммунологик мақоми;
- оғирлаштирувчи преморбид фон (оғир сурункали касалликлар) мавжудлиги.

8. «Мен касал бўлганман, аксилтаначаларим бор, эмланишга ҳожат йўқ».

SARS-CoV-2ни қайта юқтириш хавфи касалликни бошидан кечиргандан кейин олти ой давомида паст бўлади, аммо вақт ўтган сайин аксилтаначалар миқдори камайиши туфайли хавф ошиши мумкин. Аксилтаначаларнинг Covid-19ни қайта юқтириб олишдан ҳимоя қиладиган энг паст даражаси аниқланмаган.

Ўзбекистонда Covid-19га қарши қандай вакциналар билан эмланиш мумкин

Эмланиш учун нимадан фойдаланилишига қараб вакциналарни яратишга учта асосий ёндашув мавжуд:

- бутун вирус;
- иммун жавобни келтириб чиқарадиган вирус парчалари;
- аниқ оқсилларни синтез қилиш учун кодга эга генетик материал (ДНК, РНК).

Шунга қўра бир неча тур вакциналар яратилган:

- бутун вирионли тирик кучсизлантирилган ёки инактивацияланган;
- векторли репликацияланадиган, репликацияланмайдиган ва инактивацияланган;
- рекомбинант суббирлик ёки оқсилли вакциналар;
- ДНК, мРНК-вакциналар.

Ўзбекистонда Covid-19га қарши еттита вакцинадан фойдаланилмоқда:

1. Векторли бир компонентли AstraZeneca (Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган Covishield – AstraZeneca).
2. Яхлит вирионли инактивацияланган CoronaVac (Sinovac).
3. мРНК Moderna.
4. мРНК Pfizer.
5. Векторли икки компонентли вакцина «Спутник V» («ГамКовидВак»).

**БУ МУҲИМ**

В-хужайралар (хотира хужайралари) – бу аксилтаначаларни ишлаб чиқарадиган патоген-специфик плазматик хужайралар – В-лимфоцитлар ривожланишининг якуний босқичи. В-хужайралар Covid-19 билан касал-

ланишнинг деярли барча ҳолларида аниқланган. Баъзи бир инфекциялар ҳақидаги В-хужайра хотираси узоқ вақтга сақланади: чечакка қарши эмланганда 60 йилдан ортиқ, грипп юқтиргандан кейин 90 йилдан ортиқ.

6. Векторли бир компонентли вакцина «Спутник Лайт».
7. Рекомбинант ZF-UZ-VAC2001.
8. Рекомбинант Novel Coronavirus Vaccine.

Covid-19дан ҳимоя қилишнинг иммун механизмлари

SARS-CoV-2 оқсилларига гуморал иммун жавоб – инфекциядан ҳимоя қилишнинг асосий омили. Эмлангандан кейин ёки SARS-CoV-2 юқтириб олгандан кейин қонда аниқланадиган аксилтаначалар миқдорлари ҳақида маълумотлар бир-бирига зид. Хитойда ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, IgG эмлангандан кейин қонда 10 ой давомида сақланади. Буюк Британия шифокорлари касалликни бошидан кечирган одамлар қони плазма-сида нейтралловчи аксилтаначаларнинг миқдори олти ойдан кейин кескин камайишини қайд этган.

Касалликни бошидан кечирган ва эмланган одамларда аксилтаначалар миқдори пасайганда уларнинг қонида В-хотира хужайралари сақланиб қолиши мумкин, улар вирус билан қайта тўқнаш келганда ҳимоя иммуноглобулинларини тез ҳосил қилиш қобилиятига эга. Бундай В-хужайралар соғайгандан кейиноқ ҳосил бўлади, улар 6-8 ойдан кейин ҳам аниқланиши мумкин. Аммо, вирусни юқтирганда вирус аксилтаначалар миқдори тикланишига қараганда тезроқ кўпайиши мумкин.

SARS-CoV-2 вирусининг янги мутант штаммлари пайдо бўлиши вакциналар самарадорлигига таъсир кўрсатди: масалан, «Спутник» вакцинасида у 92 дан 83 фоизгача, Novavax вакцинасида эса – 89 дан 51 фоизгача пасайди. Учинчи тўлқин даврида Буюк Британияда вакциналар самарадорлиги 83 фоиздан 59 фоизгача тушиб кетди. Аммо вакциналар аввалгидек нисбатан юқори ҳимояни таъминламоқда. Уч марта тўлиқ эмланганлар эмланмаганларга нисбатан дельта-штаммга уч барабар кам чалинган, шунингдек уларда Covid-19 симптомлари камроқ намоён бўлган.

Бошидан кечирилган коронавирус инфекцияси билан эмланиш орасида тавсия этиладиган энг кам муддат йўқ. Ўзбекистонда Covid-19га қарши қайта эмланиш ихтиёрийлик асосида, олдинги эмланиш тўлиқ курси тугатилгандан кейин 6 ойдан сўнг ўтказилади. Қайта эмланиш учун миқдорнинг истагини ҳисобга олиб, мавжуд ҳар қандай вакцина туридан фойдаланилади.

Мақола Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг вирусология ИТИ етакчи илмий ходими, т.ф.д. Рахимов Р.А. иштирокида тайёрланди.



Соғлиқни сақлаш иқтисодиёти

Лабораторияни аутсорсингга беринг. Шартномада нималарни назарда тутиш керак

Агар маблағларингизни тежамоқчи, лаборатория таҳлиллари сонини кўпайтирмоқчи ва сифатли текширув натижаларини олмоқчи бўлсангиз – лабораторияни аутсорсингга беринг. Бундай қарорнинг афзалликларини мисолда кўрсатамиз ва аутсорсинг шартномаси намунасини келтираемиз.

Аутсорсинг афзалликлари қандай

Тиббиёт ташкилоти пуллик хизматларни кўрсатишга чет ташкилотларни жалб қилса, даромадларни ошириши мумкин. Масалан, хусусий лаборатория билан ҳамкорлик қилиш ҳисобиغا лаборатория диагностикаси бўйича хизматлар доирасини кенгайтиришингиз, мижозларга инфекциялар, гормонлар бўйича таҳлилларни, ДНК-тестлаш, генетик тестлаш ва ҳ.к.ларни таклиф қилишингиз мумкин.

Шунингдек, агар клиника лабораториясида керакли ускуналар бўлмаса ёки улардан бирортаси бузилиб қолса, кадрлар, сарфлама материаллар ва



МАЪЛУМОТ УЧУН

Соғлиқни сақлаш вазирлиги давлат-хусусий шериклик асосида 2020 йил 10 февралда 1-33К-сонли «Тошкент шаҳрида марказлаштирилган клиник-диагностик синов лабораториясини яратиш, жиҳозлар ва фойдаланиш тўғрисида» концессион шартнома имзолади.

Концессион шартнома доирасида Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан биргаликда 2022 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкентдаги барча поликлиникалар ва туман тиббиёт бирлашмалари лабораторияларини марказлаштириш

чоралари кўрилади.

Шу йилнинг охиригача тажриба сифатида ҳар бир ҳудуддан биттадан туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси муассасаларининг лабораторияларини марказлаштириш ва давлат-хусусий шериклик асосида аутсорсингга бериш чоралари кўрилади (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.01.2022 йилдаги ПҚ-102-сонли «Эндикринология хизматини такомиллаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори).

МАЪЛУМОТ УЧУН

Аутсорсинг (ингл. outsourcing – ташқи манба ва/ёки ресурсдан фойдаланиш) – алоҳида фаолият турлари ёки функцияларни тегишли соҳада ишлайдиган бошқа компанияга ўтказиш.

Вақт билан чекланган бир марталик хизматлар ва қўшимча ёрдам кўрсатишдан фарқли ўлароқ, аутсорсингга одатда узок муддатли (1 йилдан ортиқ) контракт асосида алоҳида тизимлар ва инфратузилманининг узлуксиз ишини профессионал тарзда қўллаб-қувватлаш функциялари берилади.

реактивлар етишмаса, бир қатор тестларни бажариш учун чет ташкилот билан шартнома тузиш яхши ечим бўлади. Аутсорсер хизматлари, шунингдек, камёб текширувлар ўтказиш талаб қилинганда зарур бўлиши мумкин, зеро бир марталик усқунани сотиб олиш мақсадга мувофиқ эмас.

Агар тиббиёт ташкилоти шундай шерикларни топса, хизмат кўрсатишга харажатлар қилиб ўтирмайди. Шундай қилиб, сиз сарфлама материалларга, усқуналарга хизмат кўрсатишга ва иш ҳақи тўлашга маблағларни тежаган бўласиз. Шунингдек, ташқи ижрочи билан чакана нарх чегирмаси ҳақида ҳам келишиб олиш мумкин, бу ҳамкорликни янада фойдали қилади.

Мисол. Лаборатория текширувларига харажатлар ўртасидаги фарқ қандай ҳисобланади

Тиббиёт ташкилоти қон зардобида кальций миқдорини аниқлаш таҳлилларини ўтказди. Иқтисодчи бу хизматни кўрсатиш учун кетадиган харажатларни ҳисоблаб чиқди.

Хизматларни мустақил кўрсатишга харажатлар

Харажатлар	Сумма
Асосий ходимларга иш ҳақи	25,00
Иш ҳақидан ажратмалар (12 %)	3,0
Моддий ресурслар	35,0
Асбоб-усқуна амортизацияси	5,0
Юклама харажатлар	36,75
Жами таннарх	104,72 (25,0+3,0+35,0+5,0+36,75)
Рентабеллик	10,7
<i>Жами хизматнинг нархи</i>	<i>115,42</i>

Сўнгра тиббиёт муассасаси иқтисодчиси четдан лаборатория бундай хизматни аутсорсинг шартномаси бўйича қанчага кўрсатишини суриштирди ва харажатларни қайта ҳисоблаб чиқди:

Тиббиёт ташкилоти хизматни ўзи мустақил кўрсатса, хизматнинг таннархи	Хизматнинг аутсорсинг шартномаси бўйича қиймати	Фарқ	Фарқ, фоизда
104,72	55	49,72 (104,72 – 55)	47,5 (49,72/104,72)

Аутсорсинг шартномасида нималарни белгилаб қўйиш керак

1. Шартнома предмети. Айнан қандай текширувлар олиб борилишини аниқ кўрсатиш керак, масалан, умумий қон таҳлили, умумий пешоб

Соғлиқни сақлаш иқтисодиёти

таҳлили. Текширувнинг номи норматив ҳужжатларга мувофиқ кўрсатилиши керак, масалан, «цитология»нинг ўзи эмас, балки «суюқ цитология». Бошидан аниқ қилиб белгилаб қўйилмаса, тиббиёт ташкилотига керакли текширувни эмас, балки бошқа усулда олиб борилган текширув натижалари олиниши хавфи ошади.

2. **Хизматнинг тавсифлари.** Шартномада хизматни баён қилиш керак. Логистикани аниқ белгилаш, таҳлил учун биоматериални ким олишини кўрсатиш керак. Агар уни ижрочи олса, биоматериал намуналарини олиш қийматини текширув қийматига қўшиш лозим. Шунингдек, чет лаборатория ходими ўз иш жойида бўлишини кафолатлаш учун таҳлилни олиш вақтини аниқ белгилаб қўйиш керак. Шартномада биоматериал намуналарини транспортировка қилишга талабларни келишиб олинг: махсус транспорт керакми ёки махсус тарзда жойлаштиришнинг ўзи етарлими, транспортда кимнинг ҳисобига ташилади, биологик намуналарни ташишда ва сақлашда транспорт воситасида қандай ҳарорат сақлаб турилиши керак ва ҳ.к. Шартномани тузаётган ташкилот юристи лаборатория ишининг ҳамма нозик жиҳатларини билмаслиги мумкин, шунинг учун бу маълумотларни унга лаборатория мудирини бериши керак. Ахборотни ёзма тарзда берган маъқул. Билдиргининг юрист имзолаган нусхасини сақлаб қўйиш керак. Агар шартноманинг охириги вариантыга муҳим шартлар киритилмаган бўлса, бу лаборатория мудирини жавобгарликдан озод қилади.
3. **Тиббиёт ташкилотининг лицензияси** ҳақидаги маълумотлар: серияси, рақами, ким томонидан ва қачон берилгани. Лицензиянинг тури – тиббий фаолиятни, шунингдек клиник лаборатория диагностикаси фаолиятини амалга оширишга. Хизмат кўрсатиш манзили лицензияда кўрсатилган манзил билан мос келиши муҳим.
4. **Текширувларни бажариш муддати.** Бу жиддий банд, зеро агар муддат ошиб кетса, буюртмачи ташкилот учун бу беморнинг стационарда бўлиш вақтининг ошиб кетиши билан боғлиқ қўшимча харажатларни келтириб чиқаради.
5. **Шартноманинг нархи ва бир бирлик хизматнинг нархи.** Текширувларни олиб бориш юзасидан шартнома тузаётганда, айниқса текширувлар турлари бир нечта бўлса, тарафлар қанча таҳлиллар ва айнан қандай таҳлиллар бажарилишини доим аниқ кўрсата олмайдилар. Шунинг учун шартнома суммаси аниқ рақам билан чекланади, масалан, «1 млн сўмдан ошмайди». Бир бирлик хизматнинг нархи шартномага илова қилинадиган спецификацияда кўрсатилади, бунда хизматлар ДПМ прејскуранти бўйича эмас, балки айнан шу нархларда кўрсатилиши керак.
6. **Текширувлар ҳақини тўлаш муддати ва тартиби.** Молиялаштириш манбасини кўрсатинг, агар бу тиббиёт ташкилотига шартномаларни ҳисобга олиш учун қулай бўлса.



БУ МУҲИМ

Шартнома қандай муддатга тузилади
Текширувларга зарурат қанчалик тез-тез юзага келишини аниқланг. Бу кам учрайдиган касалликка чалинган беморлар келганда, бир йилда бир неча марта бажариладиган тест, ёки одатдаги бир хил текширувлар

бўлиши мумкин. Шунингдек, шартнома қандай давр учун зарурлигини ҳал қилиш керак: масалан, ўз асбоб-ускуналари таъмирланаётган пайтда, ёки керакли сарфлама материаллар, реактивлар сотиб олинишига қараб, бир йилга ёки бир неча ойга.



БУ МУҲИМ

Аутсорсинг шартномасида қуйидаги бўлимлар бўлиши керак:

- шартнома предмети;
- тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- шартномани ижро этиш тартиби;
- тўлов тартиби;
- тарафларнинг жавобгарлиги;
- низоларни кўриб чиқиш тартиби;
- шартнома амал қилиши муддати;
- бошқа шартлар;
- илова;
- тарафлар манзиллари ва реқвизитлари;
- тарафлар имзолари.

7. Хизматларни топшириш-қабул қилиш, тайёр натижаларни олиш тартиби. Агар тиббиёт ташкилотида лаборатория ахборот тизими амал қилаётган бўлса, натижаларни онлайн олиш мумкин. Текширувлар натижаларини олишнинг бошқача тартиби шартномада кўрсатилган бўлиши керак. Бундан ташқари, буюрмачи қанча синамалар юборилгани ва қандай таҳлиллар ўтказилганини текшира олиши учун ижрочи бажарилган текширувлар реестрини тузиши шартлигини кўрсатинг.
8. Текширувларнинг ўз вақтида бажарилмаганлиги ва сифатсиз бажарилганлиги, шунингдек кўрсатилган хизматлар ҳақи ўз вақтида тўланмаганлиги учун тарафларнинг жавобгарлиги. Бу ерга тарафлар шифокор сирини сақлашга мажбурияти ҳақидаги бандни ҳам киритиш керак (29.08.1996 йилдаги 265-1-сонли «Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида» Қонуннинг 45-моддаси).
9. Эътироз билдириш тартиби – тарафлар бахсли масалаларни, жумладан, кўрсатилган хизматларнинг сифатига оид масалаларни қандай ҳал қилади; камчиликларни аниқлаш ва эътирозларга жавоб бериш муддатлари.

Аутсорсинг шартномасининг намунавий шаклини журналнинг электрон версиясида кўринг.

ДПМ раҳбарларини тажриба алмашишга таклиф этамиз!

ҲАР КИМНИНГ ТАЖРИБАСИ БЕБАҲО!

Агар ноанъанавий ечимингиз бўлса ва ҳамкасбларингиз билан ўртоқлашишга тайёр бўлсангиз, «Sog'liqni saqlashni tashkil etish va boshqarish» / «Организация и управление здравоохранением» журналы бунинг учун энг яхши майдон.

Сизнинг тажрибангиз ва Сизнинг компаниянгиздан мамлакатимиз бўйлаб минглаб раҳбарлар хабар топадилар.

«Sog'liqni saqlashni tashkil etish va boshqarish» / «Организация и управление здравоохранением» журналы бош муҳаррири Раиса Богдановага қуйидаги манзилга ёзинг:
RBogdanova@action-mcfr.uz



Соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш

Мамлакатимизда ҳамшираллик иши қандай ташкил қилинган: шарҳ

Р.К. Салиходжаева,

Тиббиёт ходимлари касбий малакасини ошириш марказининг
олий маълумотли ҳамширалар кафедраси мудири, т.ф.н., доцент.

Х.Д. Асадов, Тошкент вилояти Тошкент тумани тиббиёт
бирлашмаси бошлиғи, т.ф.д.

Республикада ҳамшираллик ишини бошқариш бўйича – ҳамшираллик иши қандай ташкил этилгани, ҳамширалар қандай ишлаётгани ва соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида ҳамшираларнинг ўрни ҳақида экспертларимизнинг шарҳини ўқинг.

Ҳамшираларнинг ишини ва маълумотини қандай ҳужжатлар тартибга солади

Қуйидаги қонун ҳужжатлари қабул қилинган:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.05.2021 йилдаги ПФ-6221-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги Фармони;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.11.2020 йилдаги ПФ-6110-сонли «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.11.2020 йилдаги ПҚ-4890-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.11.2020 йилдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори;

Соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш

5 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.11.2020 йилдаги ПҚ-4887-сонли «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

Ушбу норматив ҳужжатлар олий маълумотли ҳамширалар, ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш йўналишларини белгилаб беради, шунингдек беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатишда ҳамширалик иши ролини оширади.

Республикада ҳамширалик ишини бошқаришда қандай ишлар амалга оширилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.05.2021 йилдаги ПФ 6221-сонли Фармонига мувофиқ соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида умумий амалиёт шифокори штат бирлиги ўрнига тиббий бригадалар ташкил этилди. Бригадалар таркибига оилавий шифокор ва унга ёрдамчи сифатида терапия, педиатрия, акушерлик ва патронаж бўйича ўрта тиббиёт ходимлари киритилди.

Тиббий бригадалар ўрта тиббиёт ходимларининг лавозим йўриқномалари қайта қўриб чиқилди. Бригадалар махсус компьютер-планшетлари, мобил тиббиёт-диагностика воситалари билан таъминланди, бу жойларда тиббий ёрдам кўрсатишни осонлаштиради ва ортиқча қоғозбозликни камайтиради.

2021 ўқув йилидан бошлаб, Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари ва тиббиёт коллежларида оилавий шифокорлар ёрдамчиларини тайёрлаш тизими жорий қилинди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ЖССТ тавсиялари ва таклифларини ҳисобга олган ҳолда техникумлар ва коллежларда оилавий шифокорлар ёрдамчиларини тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини жорий қилди. Жамоат саломатлиги техникумлари ва тиббиёт коллежлари оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларга бириктирилиб, ушбу муассасаларда ихтисослашув бўйича амалиёт ўташ йўлга қўйилди.

Патронаж ҳамшираларининг ишини баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этилди. Рейтинги юқори ҳамшираларга уларнинг ойлик маошига 5 фоиздан 20 фоизгача қўшимча ҳақ тўлаш белгиланди. Юқори рейтинг кўрсаткичга эга бўлиш учун патронаж ҳамшира ўзига бириктирилган ҳудудни патронаж билан тўлиқ қамраб олиши, универсал-прогрессив патронаж модели бўйича ишлаши керак. Шунингдек ҳомиладор аёлларга ва туғруқдан кейинги даврдаги аёлларга, 5 ёшгача фарзанди бор оилаларга алоҳида патронаж ҳамшираси бириктириб қўйиш назарда тутилган.

Ўтган йилнинг апрель ва июль ойларида патронаж ойликлари ўтказилиб, унда фертил ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар, болалар ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож бўлган шахслар, ёлғизлар, ногиронлар, сурункали касаллиги бор, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган беморларнинг ҳолидан хабар олди, уларга тиббий-санитария ёрдами кўрсатилди ва ижтимоий қўллаб-қувватланди.

Ҳар уч ойда бир марта илмий-амалий, тиббий-маърифий «Ҳамшира» журнали нашр этилмоқда. Мазкур журнал ўрта тиббиёт ходимлари учун методик қўлланма сифатида вазирликнинг буйруқлари, йўриқномалари, касалликларда ҳамшира парвариши бўйича тавсиялар бериб борилади, ҳамширалик соҳасидаги янгиликлар, камчиликлар ва аттестация саволлари чоп этилади. Буларнинг барчаси ҳамширалар билимини оширади ва дунёқарашини кенгайтиради.

Соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш

2017 йилдан бери «Саломатлик–инсон ҳуқуқи, уни таъминлашда ҳамшираларнинг ўрни ва истиқболи» мавзусида конференция ва семинарлар ташкил этилмоқда. Бундай тадбирларнинг вазифалари қаторида – бирламчи тиббий санитария муассасаларида тиббий-ижтимоий патронажни ва аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, касалликларни олдини олиш масалаларини ҳал қилиш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш. Мазкур йиғилишларда АКШ Дрексель Университетининг соғлиқни сақлаш ва ҳамширалик иши факультети профессори Бет Леонберг томонидан «Болаларни парвариш қилиш ва овқатлантиришда ҳамшираларнинг вазифалари» ва Корея Университети Тиббиёт коллежи профилактик тиббиёт факультети профессорлари Choi Jae Wook ва Kim Sook Von «Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда экология ва атроф муҳит» мавзусидаги маърузалар тингланди.

Худудларда ташкил этилган семинар доирасида «Универсал-прогрессив модель. Унинг эски моделдан фарқи ва асосий янгиланишлари», «Самарали мулоқот кўникмалари», «Эмлашнинг аҳамияти», «Бехатар оналик», «Уй шароитида учрайдиган жароҳатлар турлари ва уларнинг олдини олиш», «Қўшимча овқатлантириш», «Ҳамкорликдаги тарбия – оталарни жалб қилиш», «Болаларни шафқатсиз муносабатдан ҳимоя қилиш», «Имконияти чекланган болалар ва уларга ғамхўрлик қилиш», «Стигма и дискриминация» бўйича тренинглар ташкил этилди.

Семинар давомида патронаж ходимининг вазифаси ота-она/тарбиячи ва бола ўртасида мустаҳкам алоқаларни ўрнатиш, шунингдек, оилаларга муаммоларни ҳал қилишда ёрдам бериш ва қўшимча хизматларга муҳтож бўлган ёш болали оилаларни аниқлаш орқали хавфларни камайтиришдан иборат эканлиги тушунтирилди.

Участка патронаж ҳамширалари учун «Бирламчи тизимда оналар ва болалар билан ишлаш бўйича патронаж ҳамширалар ишини ташкил этиш» амалий қўлланмаси ишлаб чиқилди.

Тиббиёт муассасаларида 5 та ахборот тизими, 8 мингта IT–оператор ҳамшираси штати жорий этилди.

Сўнгги йилларда 3029 та бирламчи ва даволаш профилактика муассасаларга юқори тезликдаги интернет тармоғи ўтказилди, уч турдаги маълумотномаларни «Электрон ҳукумат» тизими орқали бериш бўйича идоралараро ахборот тизимига интеграция қилинди.

Соҳага доир 5 та ахборот тизими: «Электрон поликлиника», «Emlash.uz», «Vemor.uz», «Xatlov.uz», «Тугилиш ва ўлим ҳолатларини электрон рўйхатга олиш» ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, халқаро тажриба ўрганилиб, соғлиқни сақлаш тизимини 2025 йилга қадар рақамлаштириш стратегияси (E-health-2025) лойиҳаси ишлаб чиқилди. Айниқса, 8 мингта IT–оператор ҳамширалари штати жорий этилгани ва бошқа соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг компьютер саводхонлиги оширилгани соҳадаги муҳим ўзгаришлардан бири бўлди.

Ҳамшираларнинг малакасини ошириш қандай амалга оширилмоқда

Янги ҳамширалик технологияларини, даволаш усулларини тадбиқ этиш, илмий асосланган ҳамширалик жараёнига ўтиш зарурияти юқори малакали, ҳамширалик иши замонавий стратегиясидан хабардор мутахассисларнинг сонини кўпайтиришни талаб этади. Бу тиббиёт ҳамшираларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашни такомиллаштириш заруратини тугдирди.

Соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш

Ўрта тиббиёт ходимлари «Бирламчи тизимда оналар ва болалар билан ишлаш бўйича патронаж ҳамширалари ишини ташкил этиш» ҳамда «Бирламчи тиббий санитария ёрдами тизими муассасаларида юқумсиз касалликлар бўйича мослаштирилган клиник протоколларни тадбиқ этиш, артериал гипертония, қандли диабет, бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касалликларини интеграллашган усулда олиб бориш» мавзулари бўйича ўқитилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЖССТ ва ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда бирламчи тизимда тиббиёт бригадалари фаолиятини ташкиллаштиришда бирламчи тизимда оналар ва болалари билан ишлаш бўйича патронаж ҳамширалар ишини ташкил этиш бўйича ўқитиш ишларини ташкил этди. Шу асосда бугунги кунда миллий ва маҳаллий тренерлар тайёрланди, улар ҳар бир туман (шаҳар)лардаги оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалари тиббиёт бригадалари ўрта тиббиёт ходимларини ўқитиш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан асосий мақсад - болалар саломатлиги, ривожланиши ва ҳимоясини таъминлаш йўлида оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича патронаж тизимини ривожлантириш. Маҳаллий тренерлар жойларда тиббий ҳамшираларнинг узлуксиз касбий малакасини ошириш, ўқитиш ҳамда ўқув машғулотларини ташкил қилиш бўйича фаолият юритадилар. Шунингдек ўқитиш патронаж ҳамшираларнинг иш режасини тузиш, оилаларга комплекс хизмат кўрсатиш ва тегишли идораларнинг эътиборини оила ва болалар эҳтиёжларига қаратишга, уларнинг қизиқишларини унутмаган ҳолда улар билан доимий ишлаш, хавфсиз тиббий амалиётларни таъминлашга ҳам қаратилган.

Ҳамшира қандай ишлаши керак

Ҳамшира ишини ташкил қилиш босқичлари ва кетма-кетлиги: бемор тўғрисида тўлиқ маълумот йиғиш, ҳамширалик ташҳисини қўйиш, беморларнинг муаммоларини бартараф этиш бўйича режа тузиш, амалга оширилган ишларни баҳолаш.

Ҳамшира ташҳиси – ҳамширалик жараёнининг асосидир. Шифокор ташҳиси касалликнинг барча белгилари йиғиндисидан иборат булса, ҳамширанинг ташҳиси – ҳамширалик иши мутахассиси томонидан касалликнинг кечишига тўғри баҳо бериш, бемор билан мулоқат услубига эга бўлиш, беморда касаллик оқибатида пайдо булган муаммоларни аниқлаш асосида қўйилади. Парваришлаш режаси тузилади, беморни кузатиш кундалиги юритилади.

Ҳамшира бундай ташҳисни қўйиш учун назарий билимларга эга бўлиш билан биргаликда амалий кўникмаларни ҳам мукамал ўзлаштирган бўлиши керак. Ҳамшира бемордан маълумот йиғиш жараёнидаги касалликнинг объектив ва субъектив белгиларини аниқлаш учун бемор билан мулоқот усулларини билиши лозим.

Аниқланган белгиларга асосланиб ҳамшира парвариш ва даволаш режасини тузади. Ҳамшира тузилган режа асосида иш олиб борса, беморнинг тузалишига, соғломлаштирилишига кафолат бўлади, чунки режали парвариш касалликка қарши курашнинг муҳим элементиدير.



Республика ҳамширалар кенгаши томонидан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари, улар тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасаларида ҳамшираларнинг иш жараёнларини мунтазам ўрганади. Кенгашларда аниқланган камчилик ва муаммолар кенг муҳокама қилинади, тегишли қарорлар қабул қилинади. Кенгашга кўп йиллик иш тажрибасига ва олий тоифага эга бўлган бош ва катта ҳамширалар жалб қилинган. Кенгаш аъзолари 5 гуруҳга бўлиниб, ҳар бир гуруҳ тасдиқланган режа асосида иш олиб бормоқда

Соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш

Патронаж ҳамшира нималарни билиши ва бажара олиши керак

Ундан ўзига бириктирилган ҳудуддаги ҳар бир оиладаги вазиятдан, унинг ҳар бир аъзосининг тиббий ва ижтимоий ҳолатидан хабардор бўлиш, муаммоларни ижоралараро даражада ҳал қилиш кўникмаси талаб этилади. Тиббиёт ходимлари 0-18 ёшдаги болалар ва ўсмирлар, репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар, қариялар, аниқ касалликлар бўйича тиббий ҳисобда турган шахслар ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлиши лозим. Шунингдек аҳоли ўртасида касалликларнинг олдини олиш, аҳоли саломатлиги ҳолатини ўрганиш, ёлғиз қариялар ва ўзгалар ёрдамига муҳтож шахсларни парваришlash бўйича тадбирларда фаол иштирок этиш талаб этилади.

Болалар ҳамшираси нималарни билиши ва бажара олиши керак

Болалар ҳамширасининг асосий вазифалари:

- бириктирилган аҳолига, 0 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга ва оила аъзоларига тиббий ёрдам кўрсатади. Чилла давридаги эмизикли аёллар, 5 ёшгача бўлган болалар, янги туғилган чақалоқлар кўригини хонадонларда ўтказиши;
- маҳалла фаоллари ва ижтимоий ходимлар билан ҳамкорликда хонадонларда ногирон, сурункали касалликлар билан оғриган болалар кўригини ўтказиб, уларга тиббий ёрдам кўрсатади;
- хизмат кўрсатиш доирасидаги болалар орасида шикастланиш, ногиронлик, бахтсиз ҳолатларнинг олдини олиш ва камайтириш бўйича тадбирларда қатнашади;
- профилактик эмлашлар, бириктирилган ҳудуд ва уй хўжаликлари санитар ҳолатини умумий назорати, аҳоли орасида эпидемиологик вазиятни барқарор сақлаб туришда фаол иштирок этади;
- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, жумладан юқумли (сил, ОИВ/ОИТС, тери-таносил) ва юқумсиз (АГ, ҚД, ЎСОК, хавfli ўсмалар) касалликлар ва гиёҳвандликка қарши курашиш бўйича даволаш-профилактика муассасаларига йўналтиради;
- бемор ҳуқуқларини, шу жумладан, бемор тўғрисидаги ошкор қилиб бўлмайдиган тиббий маълумотларни сақлайди;
- тиббий ҳисоб-китоб ва ҳисоботга оид ҳужжатларнинг тасдиқланган шакллари ўз вақтида ва сифатли юритади;
- участка ҳудудидаги аҳолини рўйхатга олишни, уларнинг саломатлик ҳолатини баҳолашни амалга оширади.

Болалар ҳамшираси ёш болали оилалар ва ўсмирлар саломатлигига жавоб беради. Уларда соғлом турмуш тарзига амал қилиш кўникмаларини шакллантиради. Соғлиғида муаммолар пайдо бўлганларга ўз тавсия ва маслаҳатларини беради ҳамда касаллиги бўйича шифокорларга йўналтиради.

Педиатрия ҳамшираси доимий равишда ҳудуддаги ижтимоий муассасалар: боғча, мактаб ва ўрта махсус касб ҳунар коллеж ва академик лицейлар билан ҳамкорлик қилиб туради. Ушбу таълим муассасаларида саломатлик тадбирлари, тиббий текширув ва бошқа жараёнларни олиб боради.

Таълим муассасаларида вояга етмаган қизлар ва болаларда учраши мумкин бўлган хасталикларни олдини олиш, уларга турли маслаҳатлар бериш билан шуғулланади. Шунингдек, бу муассасаларда юқумли касалликлар тарқалмаслигини қатъий назорат қилади.



Тиббий конференция

Семизлик мавжуд кардиологик бемор: ташҳислаш ва даволаш принциплари

Январь охирида кардиология ва эндокринология хизматларини такомиллаштиришга қаратилган янги норматив ҳужжатлар чиқди. Устуворликлардан биттаси – ортиқча тана вазнига ва ҳамроҳ касалликларга эга беморларни барвақт аниқлаш. Таҳририят россиялик касбдошларидан семизлиги бор беморларни ташҳислаш ва даволаш схемасини олди. Тавсияларни терапевтлар ва кардиологларга беринг, шунингдек семизлиги бор беморларни текшириш алгоритми кўрсатилган эслатмаларни ҳам беринг.

Семизлик ва ортиқча тана вазни юрак-томир патологияси мавжуд беморларнинг аксариятида учрайди. Ушбу сурункали хасталик умрбод даволанишни талаб қилади, бу билан эса кардиологлар ва эндокринологлар шугулланади. Кўпинча айнан кардиолог семизликни ташҳислайди ва беморни даволанишга кўндиради.

Семизлик муаммосини шифокор ва бемор қандай қабул қилади

Кўпинча шифокорлар ташҳисни кеч қўядилар ва даволашни ҳам кеч бошлайдилар, бу пайтга келиб беморда семизликка боғлиқ патологиялар: гипертония, юрак ишемик касаллиги, қандли диабет, бепуштлик пайдо бўлган бўлади.

Шифокорлар ва беморлар касалликни турлича қабул қиладилар. «Perceptions of Barriers to Effective Obesity Care: Results from the National ACTION Study» тадқиқоти муаллифлари бешта бемордан тўрттаси тана вазнини камайтириш ҳақида унинг ўзи қайғуриши, ўзи жавобгар бўлиши керак деб ҳисоблайди ва шунинг учун ўзини хавотирга солаётган ҳолатларни шифокорга айтиб ўтирмайди. Беморлар дастлабки аломатлар пайдо бўлгандан ва уринишлари беҳуда кетгандан сўнг олти ой ўтгандан кейингина семизликка боғлиқ муаммоларини шифокорларга айтади. Ваҳоланки, беморларнинг 60 фоизи даволанишнинг эрта босқичидаёқ тана вазнини қандай қилиб меъёрга солишни шифокор билан муҳокама қилишга тайёр бўлади. Улар, шифокорнинг суҳбати уларни озишга рағбатлантириши ва ижобий ўзгаришларга олиб келиши мумкин эди деб ҳисоблайдилар.

Тиббий конференция



МАЪЛУМОТ УЧУН


Беморлар, шифокорлар ўйлаганидан-да даволанишдан анча кўпроқ манфаатдор. Аксарият ҳолларда улар ўзлари озишга ҳаракат қилдилар, рекламага ва танишларининг маслаҳатларига қараб иш тутадилар. Бироқ, ҳозир кўпайиб кетган парҳезларда чекловлар кўп, биологик қўшим-

чаларнинг эса самарадорлиги исботланмаган, улар баъзан янада аянчли оқибатларга олиб келмоқда. Охир-оқибат, беморлар энди шифокорга семизлик ва унинг оқибатларидан шикоят қилиб келмоқда, бунда мустақил даволанганлик белгилари ҳам кўзга яққол танланиб турибди.

Сўралган шифокорларнинг 88 фоизи семизликни хасталик деб ҳисоблайди, аммо ортиқча вазн мавзусини деярли ҳеч қачон қабулда муҳокама қилмайди, 71 фоиз мутахассислар семизлиги бор беморларни вазни камайтириш муаммоси қизиқтирмайди деб ҳисоблайди, 68 фоиз эса беморлар озишга рағбатлантирилмаган деб ўйлайди.

Семизликдаги кардиометаболик континуум

Семизлик – бу юрак-томир касалликларининг артериал гипертензия, юрак ишемик касаллиги, олд қоринчалар фибрилляцияси, сурункали юрак етишмовчилиги каби хавф омилларидир. Кардиометаболик континуум 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Кардиометаболик континуум

Изоҳ: ЮИК – юрак ишемик касаллиги, РААС – ренин-ангиотензин-альдостерон система, САС – симпатoadренал система, АҚХ – айланаётган қон ҳажми, СВ – юракдан қон ажратилиши, ЧЮОБ – чап юрак олд бўлмачаси, СЮЕ – сурункали юрак этишмовчилиги, ЧҚ – чап қоринча, ЧҚГ – чап қоринча гипертрофияси.

Шифокорлар учун эслатма. Семизликда СЮЕга олиб келадиган юрак-қон томир касаллиги шаклланиши механизмлари

Гемодинамика бузилишлари: айланаётган қон ҳажмининг, энг катта ҳажмининг кўпайиши; артериал босимнинг ошиши; чап қоринча девори таранглашуви; ўпка гипертензияси.

Юракдаги таркибий ўзгаришлар: чап қоринчанинг концентрик қайта моделлашуви; чап қоринча гипертрофияси (концентрик ва эксцентрик); чап юрак олд бўлмачасининг катталашуви; ўнг қоринча гипертрофияси.

Юрак функцияси бузилишлари: чап қоринчанинг диастолик ва систолик дисфункцияси.

Сурункали яллиғланиш: С-реактив оқсилнинг кўпайиши, ФНО-а кўпайиши; эндотелиал дисфункция.

Нейрогуморал бузилишлар: инсулинга резистентлик ва гиперинсулинемия;

Лептинга резистентлик ва гиперлептинемия; адипонектин пасайиши; симпатик нерв тизимининг гиперактивацияси; РААС фаоллашуви.

Кардиомиоцитлар ва томир деворининг ҳужайрали компонентлари даражасидаги бузилишлар: гипертрофия; апоптоз; фиброз.

**ЮҚТК – юрак-қон томири касалликлари, СЮЕ – сурункали юрак этишмовчилиги.*

Семизликни таснифлаш вариантлари

1-2-жадвалларда семизлик даражаси ва турига қараб таснифлаб берилган. 3-жадвалда семизлик билан боғлиқ касалликлар оғирлиги даражасини кўрсатадиган белгилар санаб берилган.

1-жадвал.

Семизликнинг даражаси бўйича таснифлаш

Семизлик даражаси	Тана вазни индекси, кг/м ²
Норма	18,5 – 24,9
Ортиқча тана вазни	25,0-29,9
1-даража семизлик	30,0-34,9
2-даража семизлик	35,0-39,9
3-даража семизлик	40дан юқори

Семизликнинг тури бўйича таснифлаш

Семизлик тури	Бел айланасининг тос айланасига нисбати
Абдоминал	>0,9 (эркаклар) >0,85 (аёллар)
Тос-думба	≥0,9 (эркаклар) ≤0,85 (аёллар)

Семизлик билан боғлиқ касалликларнинг оғирлик даражаси белгилари

Касаллик	Норма	Ўрта оғирликдаги касаллик	Оғир касаллик
Диабетолди ва 2-тур қандли диабет	Инсулинга резистентлик билан боғлиқ хавф омиллари йўқ (бел айланаси, артериал босим, юқори зичликдаги липопротеинлар, тиреоглобулин, глюкоза наҳорга нормада)	Инсулинга резистентлик билан боғлиқ хавф омиллари бор (бел айланаси, артериал босим, юқори зичликдаги липопротеинлар, тиреоглобулин, глюкоза наҳорга нормадан юқори)	Ташхисланган диабетолди ёки 2-турдаги қандли диабет
Артериал гипертензия	Артериал босим <130/85 мм с.у.	Бошқа хавф омиллари бўлмаганда артериал босим ≥ 130/85 мм с.у.	Гипотензив препаратлар билан даволанганда мақсадли артериал босимга эришилмади, Юқори хавф гуруҳи беморларида АБ ≥ 130/85 мм с.у.
Гипертриглицеридемия /Дислипидемия	Тиреоглобулин <1,7 ммоль/л, юқори зичликдаги липопротеинлар ≥ 1,0 ммоль/л эркаклар учун ва ≥ 1,3 ммоль/л аёллар учун	Тиреоглобулин 1,7–4,49 ммоль/л, юқори зичликдаги липопротеинлар <1,0 ммоль/л эркаклар учун ва <1,3 ммоль/л аёллар учун – бошқа хавф омиллари бўлмаганда	Тиреоглобулин ≥ 4,5 ммоль/л бошқа хавф омиллари бўлмаганда; тиреоглобулин ≥ 1,7 ммоль/л ва юқори зичликдаги липопротеинлар <1,0 ммоль/л эркаклар учун ва <1,3 ммоль/л аёллар учун – юқори хавф гуруҳи беморларида
Обструктив уйқу апноэси синдроми	Симптомлар йўқ, апноэ/гипопноэ индекси <5	Симптомлар бўлмаганда ёки сууст ифодаланганда апноэ/гипопноэ индекси 5–29	Апноэ/гипопноэ индекси ≥ 30; симптомлар яққол ифодаланганда ва/ёки клиник оқибатлар бўлганда апноэ/гипопноэ индекси 5–29

Алкоголга боғлиқ бўлмаган ёғли жигар касаллиги	Стеатоз йўқ	Яллигланиш ва фиброз белгиларисиз стеатоз бор	Алкоголга боғлиқ бўлмаган стеатогепатит
Поликистозли тухумдонлар синдроми	Поликистозли тухумдонлар синдроми мезонларига мувофиқсизлик	1 ёки 2та хавф омили (бел айланаси, артериал босим, юқори зичликдаги липопротеинлар, тиреоглобулин нормадан юқори), бепуштлиқ /ановуляция йўқ	Бепушлиқ/ановуляция; олигоменорея; меноррагия; диабетолди/2-тур қандли диабет
Остеоартрит	Визуал симптомлар ва ўзгаришлар йўқ	Ўртача оғирлик симптомлари ва функционал оғирлашув ва (ёки) ўртача оғирликдаги анатомик ўзгаришлар	Ўртача-оғир симптомлар ва функционал оғирлашув ва/ёки буғинлардаги яққол ифодаланган анатомик ўзгаришлар; анамнезда эндопротезлаш
Дизурик бузилишлар	Симптомлар йўқ ва (ёки) нормал уродинамика	Ўртача оғирликдаги симптомлар	Оғир симптомлар
Гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги	Симптомлар ёки визуаллаштирувчи текширишларнинг ижобий натижалари йўқ исследований	Ўртача оғирлик симптомлари	Яққол ифодаланган симптомлар; эрозив эзофагит. Баррет қизилўнгачи
Харакатчанлик бузилишлари	Йўқ	Ўртача оғирлик	Оғир
Рухий бузилишлар /стигматизация	Йўқ	Ўртача оғирлик	Оғир

Этиологик принцип бўйича бирламчи (экзоген-конституционал, алиментар) ва иккиламчи (симптоматик) семизлик ажратилади.

Иккиламчи семизлик ҳам қуйидагиларга ажратилади:

- генетик нуқсон аниқланган семизлик (шу жумладан кўп аъзоли бузилишлар билан боғлиқ генетик синдромлар таркибида);
- бош мия ўсмалари, тизимли зарарланишлар ва юқумли касалликлар, рухий касалликлар оқибатидаги церебрал семизлик (адипозоген семизлик, Пехкранц-Бабинский-Фрелих синдроми);
- эндокринопатиялар: гипоталамо-гипофизар тизим, буйрак усти безлари касалликлари оқибатидаги, гипотиреоидли, гипоовариал семизлик;
- тана вазнини оширадиган дори воситаларини қабул қилгандаги ятроген семизлик.

Семизлиги бор беморни текшириш режаси

Шифокор семизлик шубҳа қилинган ҳамма беморларнинг артериал босмини, бўйини, вазнини, бел айланасини ва тос айланасини ўлчайди. Сўнг тана вазни индексини ҳисоблаб чиқади, бел айланаси билан тос айланаси

Тиббий конференция

Шифокорлар учун эслатма. Семизлиги бор беморни текширишнинг энг кичик тўплами алгоритми:

1. Эндокринолог кўриги.
2. Диетолог кўриги.
3. Қоннинг липид спектри: умумий холестерин, ЛПВП, ЛПНП, триглицеридлар.
4. Наҳорда қондаги глюкоза, HbA1c.
5. Қарши кўрсатмалар бўлмаганда перорал глюкозага толерантлик тести
6. АЛТ, АСТ, ГГТП
7. Сийдик кислотаси, креатинин
8. ЭКГ

нисбатини аниқлайди. Бел айланаси ўрта қўлтиқости чизиги бўйича ёнбош суяк чўққиси ва охири қовурганнинг пастки чеккаси ўртасидаги масофанинг ўртасида ўлчанади.

Кардиометаболик хавф тана вазни индекси бўйича ҳамда қўшимча параметрлар, биринчи галда бел айланасининг тос айланасига нисбати бўйича аниқланади.

Тананинг композицион таркиби – организмда ёғ ва мушак тўқимасининг нисбий миқдори биоимпедансометрия ёрдамида аниқланади. МРТ – тана таркибини баҳолашнинг анча қиммат турадиган усули, ундан кўпроқ илмий талқиқотларда фойдаланилади.

Кардиометаболик хавфни шунингдек инсулинга резистентлик индекси HOMA-IR (Homeostasis Model Assessment of Insulin Resistance) бўйича ҳам аниқлаш мумкин, у қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$HOMA-IR = \text{глюкоза нахорга (ммоль/л)} \times \text{инсулин нахорга (мкЕд/мл)} : 22,5.$$

4-жадвалда семизлиги блор беморларда анамнез йиғиш хусусиятлари кўрсатилган.

4-жадвал.

Семизлиги/ортиқча тана вазни бор бемор анамнезини йиғиш

Анамнез тури	Параметрлар
Тиббий анамнез	<ul style="list-style-type: none">• жинси, ёши, миллати;• ҳамроҳ патология;• овқатланишидаги бузилишлар, бошқа тиббий ёки хирургик ҳолатлар;• аллергиялар;• қабул қилинаётган дори воситалари;• чекиш;• алкоголь истеъмол қилиш;• гиёҳвандлик (масалан, марихуана, кокаин ва б. қабул қилиш)
Оилавий анамнез	<ul style="list-style-type: none">• семизлиги бор оила аъзолари;• оила аъзоларидаги жиддий касалликлар

Ижтимоий-иқтисодий ва маданий анамнез	<ul style="list-style-type: none"> • иқтисодий мақом; • ижтимоий мақом; • маданий мансублик; • касб-кори; • оила таркиби; • ота-оналар билан муносабатлар • оилавий мақом; • турмушдаги вазият; • зарарли одатлар, қарамликлар (жисмоний озуқавий, жинсий ва ҳ.к.); • географик яшаш жойи (урбанистик ортиқча овқатланиш)
Атроф муҳит	<ul style="list-style-type: none"> • озишга олдинги уринишлар ва уларнинг натижаси – қандай тўсиқлар юзага келган; • режим бузилиши триггерлари (очлик, хавотирланиш, зеркиш); • тунги вақтда овқатланиш; • ортиқча овқатланиш, шу жумладан ҳиссий; • оила/маданият таъсири; • жамоатчилик таъмири; • ўзгаришларга шайлик
Овқатланиш ва енгил тамадилар	<ul style="list-style-type: none"> • вақти; • частотаси; • таом таркиби; • тайёрлаш; • овқатланиш имкониятлари; • уйда овқатланадиган жойлар; • уйдан ташқарида овқатланадиган жойлар; • овқатланишга боғлиқ хулқ-атворда морбид стереотипларни истисно қилиш: тўйиб овқатланиш/катта порциялар, юқори калория, нонуштада оч қолиш, кам овқатланиб, кечкурун тўйиб овқатланиш, енгил ўзлаштириладиган углеводларнинг кўплиги, сатурацияланган ёғлар ва холестерин кўплиги, тўйинмаган омега-3 ёғлар, E, D витаминлар ва пробиотикларнинг тақчиллиги
Ёзувлар	<ul style="list-style-type: none"> • истеъмом қилинаётган овқатларнинг таркиби; • миждани ҳар 3 кунда бир марта телефон кўнғироқлари ёрдамида назорат қилиш; • ҳар қабулда овқатланиш кундалигини текшириш; • электрон овқатланиш кундаликлари

Экзоген семизлик ташҳисини қўйишдан олдин иккиламчи семизликни, хусусан, тегишли клиник симптомлар ва лаборатория маълумотларида ўзгаришлар бўлганда қуйидаги касалликларни истисно этиш керак:

- гипотиреоз – бунинг учун ТТГ миқдори аниқланади;
- гиперкортицизм – пешобда эркин кортизол аниқланади (суткалик таҳлил), ёки 1 мг дексаметазон билан тунги бостирувчи тест ўтказилади, ёхуд кечкурун сўлакда эркин кортизол миқдори текширилади;
- гиперпролактинемия – пролактин миқдори текширилади;
- гипогонадизм – тестостерон миқдори аниқланади.

Семизлиги бор беморларни даволаш усуллари

Даволашдан мақсад – тана вазнини ҳамроҳ касалликлар ривожланиши хавфи энг кам бўладиган даражагача пасайтириш, эришилган тана вазнини

Тиббий конференция



МАЪЛУМОТ УЧУН

Семизликни даволаш учун «Идеал» препарат:

- агар инсон турмуш тарзини ўзгартирса, тана вазнини камида 10 фоизга самарали камайтириши мумкин;
- семизликка боғлиқ касалликларга мақбул таъсир кўрсатади, шу жумладан, юрак-қон томирларига боғлиқ хавф-хатарларни камайтиради;
- организм яхши кўтаради ва қарши кўрсатмалари кам.

ушлаб туриш, турмуш сифатини яхшилаш. Семизлик – сурункали касаллик, шунинг учун бутун умр даволанади. Вазни пасайтириш суръатини шифокор якка тартибда танлайди, одатда 3-6 ойда бошланғич вазндан 5-10 фоиз атрофида. Натижани йил давомида ушлаб туриш лозим, бу соғлиқ учун хавф-хатарларни камайтиришга, шунингдек семизлик билан боғлиқ касалликларни енгиллаштиришга имкон беради. Тана вазнини кўпроқ (15–20 фоизга ва ундан кўп) йўқотишни тана вазни индекси ≥ 35 кг/м² бўлган беморларга коморбид касалликлари бўлганда тавсия қилиш мумкин.

Семизликни дори-дармонларсиз, фармакологик ва жарроҳлик усулларида даволашади.

Дори-дармонларсиз даволаш. Семизликни дори-дармонларсиз даволаш энергетик танқисликка асосланган. Аксарият ҳолларда калорияларни сарфлашнинг ҳисобланган нормасидан 500–1000 ккал кам танқислик керак.

Даволашнинг иккинчи компоненти – жисмоний фаоллик, бу мушаклар массасини камайтириш, висцерал ёғ миқдорини камайтириш имконини беради, инсулинга резистентликни камайтиради. Бундан ташқари, жисмоний юкламалар организмнинг калориялар танқислигида тинч ҳолатда энергия сарфини камайтиришга интилишини енгиллаштиради. Клиник тавсияларда семизликдан азият чекаётган ва ортиқча вазнга эга беморларга ҳар ҳафтада жисмоний фаолликка 225–300 дақиқа сарфлаш маслаҳат берилади. Семизликнинг ва гиподинамиянинг олдини олиш учун ҳафтасига 150 дақиқа ўрта жадалликдаги аэроб жисмоний фаоллик зарур.

Дори-дармонлар билан даволаш. Семизликда фармакотерапия дори-дармонларсиз даволанганда тана вазнини клиник аҳамиятли даражагача камайтира олмаган ва (ёки) эришилган натижани сақлаб туриш босқичидаги беморларга тавсия этилади. Агар беморнинг асосий касаллиги семизлик билан боғлиқ бўлса, вазни камайтувчи дори воситалари дори-дармонларсиз воситалар билан биргаликда биринчи навбат терапия воситаларига тегишли бўлади.

Жарроҳлик йўли билан даволаш. Жарроҳлик йўли билан даволаш 18-60 ёшдаги морбид семизликка эга беморларга консерватив даволаш самара бермаганда кўрсатилган. ТВИ >40 кг/м² бўлганда жарроҳлик усулида даволаш ҳамроҳ касалликлар бор бўлишидан қатъи назар қўлланилади, ТВИ >35 кг/м² бўлганда эса – 2-турдаги қандли диабетда, бўгинлар касалликларида, уйқудаги обструктив апноэ синдромида ва тана вазнини пасайтириб даволаш мумкин бўлган бошқа оғир касалликларда қўлланилади.

«Практикующий кардиолог» (РФ) журнали материаллари асосида тайёрланди.



Ходимларни бошқариш

Беморнинг рухий мақомини баҳолаш учун беш қадам. Шифокорлар ва ҳамширалар учун алгоритм

Шифокорларингиз ва ҳамшираларга беморнинг рухий мақомини аниқлашга ёрдам берадиган усулларни таклиф қиламиз. Шунда ташхислаш ва тиббий кўрсатмаларда хатолар хавфи камаяди, бемор билан тортишувлар эҳтимоли ҳам кам бўлади. Беморни кузатганда нималарга эътибор бериш, унга қандай саволлар бериш ва жавобларни қандай таҳлил қилишни мисолларда кўриб чиқамиз. Алгоритм беморда онгнинг хиралашганини, фикрлаш бузилганини ва депрессияни аниқлаш имконини беради.

1-қадам. Беморнинг одатдаги ҳолатини аниқланг

Тиббий картадаги ва шифокорлар кўрсатмаларидаги маълумотларни ўрганинг. Бемор руҳиятга таъсир қиладиган дорилар қабул қилаётганини текширинг. Масалан, уйқу дорилари, оғриқни қолдирувчи, наркотик ёки психотроп препаратлар руҳиятга таъсир қилади. Касаллик ва беморнинг ёши унинг рухий мақомини баҳолашга қанчалик таъсир қилишини баҳоланг. Масалан, катта ёшдаги беморда эшитиш қобилияти пасайгани туфайли у шифокор ёки ҳамширанинг саволларини англай олмаслиги мумкин.

Беморнинг қариндошлари билан гаплашинг.

Беморнинг кайфияти тез-тез ўзгариб турадими, нималар уни ҳафа қилиши ёки кайфиятини чоғ қилиши мумкин. Беморнинг ҳаётида яқинда қандай воқеалар содир бўлганини сўранг. Бу воқеалар унга қандай таъсир кўрсатган. Ғазабланганми, кўрққанми, қувониб кетганми, ҳафа бўлиб қолганми ёки бефарқ бўлганми.

Бемор қанчалик суҳбатга тайёрлигини аниқланг. Суҳбатлашишга уйқу, рухий бузилиш ва ҳаттоки беморнинг ёши тўсқинлик қилиши мумкин. Эъти-



ЭЪТИБОР БЕРИНГ

Агар бемор танасининг фақат ярмисига эътиборли бўлаётган бўлса, унинг бундай хатти-ҳаракатлари мия пўстлогининг юқори қисми зарарлангани ёки бир тарафлама фалаждан дарак бериши мумкин

Ходимларни бошқариш

бор беринг, бемор бегоналар билан мулоқот қиладими. Унинг атрофдаги одамларга ва вазиятга қандай таъсир кўрсатаётганини кузатиш. Бемор яқинлари билан мулоқот қиляётганда унинг қанчалик самимийлигини баҳолаш. Баъзан ташхислашнинг асосий усули кузатиш бўлади. Масалан, бемор палатадаги бошқа беморлар олдида гаплашгиси келмайди. Агар бемор суҳбатга тайёр бўлса – суҳбатни бошланг, тайёр бўлмаса – унинг хатти-ҳаракатларини кузатиш.



ЭЪТИБОР БЕРИНГ

Унутманг, ўсмирларнинг фикрлаш тарзини олдиндан билиб бўлмайди, чунки бу уларнинг етуқлиги даражаси ва тарбиясига боғлиқ

2-қадам. Беморнинг ташқи кўриниши ва атрофидагиларни ўрганиш

Палатадаги аҳвол. Бемор шахсий буюмларини қандай жойлаштирганини, ўзи ётган жойини қанчалик озода ва тартибли сақлашини кузатиш. Масалан, агар бемор доим ҳамма нарсани тартибга келтирмоқчи бўлса, унда обсессив-компульсив бузилиш бўлиши мумкин. Шизофренияда, деменцияда ва депрессив синдромда беморлар, аксинча, тартибга ва озодаликка эътиборсиз бўладилар.

Кийимлар. Кийимларнинг тозаллиги ва саранжомлигига эътибор беринг. Кийимларнинг ҳамма тугмалари жойидами, бемор уларни чалкаштириб юбормаганми, кузатиш. Агар бемор танасининг фақат ярмисига эътиборли бўлаётган бўлса, унинг бундай хатти-ҳаракатлари мия пўстлогининг юқори қисми зарарлангани ёки бир тарафлама фалаждан дарақ бериши мумкин. Шунингдек, беморнинг ташқи кўриниши унинг ижтимоий мақомига қанчалик мос келишини ҳам тушуниш муҳимдир. Масалан, бемор доим эски кийимларда юради. Бу касаллик аломати эмас, янги кийимга унинг маблағи бўлмаслиги мумкин.

Гигиена. Беморнинг сочлари таралганига, тирноқлари олинганига, унинг терисига, тишларига эътибор беринг. Унинг тироғи ва тиш чўтқаси бўлса, улар қандай ҳолатда. Бемор ўзи мустақил ювина оладими, тишларини ўзи тозалайдими. Масалан, агар беморда периферик катетер турган бўлса, унинг ҳаракатлари чекланган бўлади. Беморга диққат билан қаранг, гигиенага амал қилмасликка айтарлик сабаб бормикин. Бундай хулқ-атвор руҳият бузилганидан далолат бериши мумкин. Масалан, депрессив синдромдан.



ЭЪТИБОР БЕРИНГ

Агар бемор эрталаб нонуштада нима еганини ёки кеча ҳаво қандай бўлганини эслолмаса, хотира бузилган ёки депрессия бўлиши мумкин

3-қадам. Бемор билан суҳбатлашишни бошланг

Беморнинг ён-атрофи ҳақида. Беморнинг атроф-муҳитни идрок этиш қобилиятини аниқлаб олинг. Оддий саволлар беринг: «Исмингиз нима?», «Ким бўлиб ишлайсиз?». Унинг оиласи, қариндошлари ҳақида сўранг, уларнинг исмини айтишини илтимос қилинг. Бемор қаердалигини тушунаптими. Вақтни қанчалик тўғри идрок этаётганини аниқланг. У қачон клиникага келганини сўранг. Қайси сана, ой, йил ва ҳафта куни эканлигини сўранг.

Касаллик ҳақида. Бемор ўз касаллигига муносабати қандайлигини аниқланг. Беморга савол беринг: «Сизни шифокорга нима олиб келди?». Агар бемор ўз ҳолатини критик деб ҳисобламаса, клиникага уни қариндошлари олиб келган бўлса, огоҳ бўлинг. Соғлиғига бундай муно-

Ходимларни бошқариш

сабат руҳиятдаги бузилишлардан далолат бериши мумкин. Масалан, беморда психоз, делирий, деменция ёки неврологик касалликлар бўлиши мумкин. Беморни онг хиралашишини баҳолаш шкаласи бўйича текширинг.

Онг хиралашишини баҳолаш шкаласи

1-босқич	
Бемор хулқ-атворидаги ўзгаришларни кузатиш: хулқ-атворнинг бошланғич даражасидан кескин ўзгаришлар борми?	Агар иккала саволга жавоб салбий бўлса, делирий йўқ
Охирги 24 соат ичида хулқ-атворда тўлқинсимон ўзгаришлар қайд этилдими?	Агар саволлардан бирига «ҳа» деб жавоб берсангиз, 2-босқичга ўтинг
2-босқич	
Эътиборлилик бузилганини текшириш: бемордан ҳар гал «А» харфини айтганингизда қўлингизни қисишни сўранг.	0-2 та хато Делирий йўқ
Бемор қуйидаги хавфларни худди шундай кетма-кетликда ўқиб берсин: «Л А М П А А Л А Д Д И Н А»	Иккитадан кўп хато бўлса, 3-босқичга ўтинг
3-босқич	
Беморни RASS қўзғалиш ва тинчланиш шкаласи бўйича текширинг (журналнинг электрон версиясида кўринг):	Агар баҳо 4дан -3гача бўлса, делирий бор
Онг даражасидаги ўзгаришлар. Айнан шу пайтдаги онг даражаси.	Агар баҳо 0 бўлса, 4-босқичга ўтинг
4-босқич	
Тартибсиз фикрлаш учун саволлар беринг: Тош сувда турадимми? Балиқ денгизда яшайдими? Бир килограмм икки килограммдан оғирми? Михни болға билан уриш мумкинми?	Ҳар бир машқда бемор биттадан ортиқ хато қилса, делирий бор
Машқ ёрдамида тафаккурни текширинг: иккита бармоқни кўрсатиш ва бемордан ҳаракатларингизни такрорлашни сўранг.	0-1та хато Делирий йўқ
Ўзингиз кўрсатиб бермасдан, худди шуни бошқа қўл билан ҳам бажаришни сўранг. Агар бемор фақат битта қўлини ишлата олса, биринчи ҳаракатга яна битта бармоқни қўшишни сўранг	
Хулоса: делирий / делирий йўқ	

RASS шкаласи (Ричмонднинг қўзғалиш-седация шкаласи)

Баллар	Атама	Таърифи
+4	Тажовузкор	Бемор тажовузкор, жанжалга тайёр, тиббиёт ходимлари учун тўғридан тўғри хавф солади
+3	Ўта қўзғалган	Трубкалар ва катетерларни тортади ёки узиб ташлайди, ёки тиббиёт ходимларига нисбатан тажовузкор муносабатда
+2	Қўзғалган	Тез-тез мақсадсиз ҳаракатлар ва/ёки СЎВ аппарати билан синхронлашмаган ҳаракатлар
+1	Безовта	Ҳаяжонланган, аммо ҳаракатлари кескин ва тажовузкор эмас
0	Тийрак, хотиржам, диққатли	

Ходимларни бошқариш

-1	Серуйку	Диққат йўқолган, аммо вербал контактда 10 сониядан ортиқ кўзини юмиб олмайди
-2	Енгил седация	Вербал контактда 10 сонияга етмасдан кўзларини юмиб олади
-3	Ўртача седация	Овозга жавобан ҳар қандай ҳаракат (аммо кўз билан эмас)
-4	Чуқур седация	Овозга ҳеч қандай жавоб йўқ, аммо жисмоний стимуляцияга қандайдир ҳаракатлар бор
-5	Жонланиш йўқ	Овозга ҳам, жисмоний стимуляцияга ҳам ҳеч қандай таъсир йўқ

Қандай талқин этилади:

1. Беморни кузатиш:

- агар у тетик, хотиржам ва диққатли бўлса – 0 балл;
- агар беморда хавотирланиш ёки ташвишланиш хос хулқ-атвор белгилари кузатилса – юқоридаги таърифда санаб ўтилган мезонлардан фойдаланган ҳолда +1 дан +4 гача баллга баҳоланади.

2. Агар бемор уйқусираётган бўлса, баланд овоз билан уни исми билан чақириб, кўзини очишини ва сизга қарашини сўранг. Керак бўлса, буни бир неча марта такрорланг. Бемордан нигоҳини ушлаб туришни илтимос қилинг:

- агар бемор 10 сониядан кўп вақт сиздан кўзини узмаса, баҳо – 1 балл;
- агар бемор 10 сония давомида кўзини узмасдан туролмаса, баҳо – 2 балл;
- агар бемор овозингизга жавобан қандайдир ҳаракат қилса, аммо қарамаса, баҳо – 3 балл.

3. Бемор овозга жавоб бермайди. Жисмоний стимуляцияни қўлланг – елкасидан туртинг, кўкрагини ишқаланг:

- Агар бемор жисмоний стимуляцияга қандайдир ҳаракат билан жавоб берса, баҳо – 4 балл;
- агар бемор овозга ҳам, жисмоний стимуляцияга ҳам жавоб бермаса, баҳо – 5 балл

Ўзаро муносабатлар ҳақида. Беморга бир неча савол беринг: «Олдингизга ким келиб туради?», «Касалхонадан чиққанингизда уйга қандай етиб оласиз?», «Уйда сизга ким қарайди?», «Сиз касал пайтингизда, гулларни ким парваришлайди ёки уй ҳайвонларига ким қараб туради?». Беморнинг амал қиладиган қадриятларига эътибор беринг. Улар унинг маданий муҳити қадриятларига ва ёш тоифасига мос келадими. Унутманг, ўсмирларнинг фикрлаш тарзини олдиндан билиб бўлмайди, чунки бу уларнинг етуклиги даражаси ва тарбиясига боғлиқ. Беморнинг жавоблари ҳақиқий муносабатларга асосланганми ёки тафакқури бузилганми, эътибор беринг.

Аҳволи ҳақида. Беморнинг ўз аҳволи ҳақидаги сўзларини ёзиб олинг. Матнни қисқартирманг, таърифини ўзгартирманг. Саволларни изчил беринг ва бўлманг. Агар бемор мавҳум сўзларни айтса, айнан нимани назарда тутаётганини аниқ сўранг. Бемор буюмларни нотўғри ном билан айтиши ёки уларни жумлалар билан алмаштириши мумкин. Масалан, «қошиқ» сўзининг ўрнига «овқат ейдиган нарса» дейиши мумкин. Бемор сўзларни қандай тушунганини сўранг. Бурнининг учига қўлини теккизишни сўранг, кейин қийинроқ топшириқ беринг: бурун учи, лаб, қулоқларга қўлни теккизиш. Агар бемор сўзларнинг маъносини тушунмаса ёки уларни чалкаштирса, унда афазия ёки

Тиббиёт ходимлари учун эслатма. Беморнинг нутқида тафаккур қилиш жараёнларининг бузилиши

Мулоҳазалилик. Беморда аниқ кўринадиган мақсад йўқ. У фикрларини шошилмасдан баён қилади, майда-чуйда нарсаларда ва тафсилотларда ушланиб қолади.

Ўзаро боғланмаганлик. Бемор бир мавзудан бошқасига ўтиб кетаверади. Жумлани бошқа мавзу билан яқунлайди. Унинг нутқида алоҳида фикрлар ўртасида боғлиқлик йўқ.

Чалғиш. Бемор тез гапирди, битта нарсадан бошқасига ўтиб кетади. Нутқи маъносиз, сўзлар ва жумлалар аниқ.

Сўзларнинг қовушмаслиги. Бемор сўзларни нотўғри айтади. У гапни нотўғри тузади, фикрни ўртасида тўхтатиб қўяди ва бошқа мавзуга ўтиб кетади.

Сўзларни бузиш. Бемор янги сўзларни ўйлаб топади ёки оддий сўзларни янгича маънода ишлатади.

Нутқни тўсатдан тўхтатиб қўйиш. Бемор жумланинг ўртасида ёки уни тўлиқ айтиб бўлгандан кейин суҳбат йўналишини йўқотиб қўяди. Бу соғлом одамларда ҳам учраб туради. Шунинг учун бошқа бузилишлар билан бирга қараш керак.

Конфабуляциялар. Бемор хотирасидаги бўш жойларни ёлгон хотиралар билан тўлдиради. Далилларни ўзгартириб юборади ёки уларни бошқа вақтга кўчиради.

Персеверация. Бемор доим бир хил жумла ва сўзларни такрорлайверади.

Эхололия. Бемор атрофдагиларнинг гаплари ва сўзларини такрорлайди.

Акатафазия. Бемор нуқтада қофиядош сўзлардан фойдаланади, аммо улар ҳамон ҳамон бўлса-да, маъносига кўра ўзаро боғланмаган.

шизофрения бўлиши мумкин.

Воқеалар ҳақида. Беморда хотира бузилишлари борми, аниқланг. Жавобини ўзингиз билладиган саволларни беринг. Ундан, нонуштага нима еганини, кеча об-ҳаво қандай бўлганини, сайрга чиққанини сўранг. Агар бемор эслолмаса ёки бўлган воқеаларни тўқиб чиқарса, унинг хотираси бузилган бўлиши мумкин. Масалан, деменция, делирий, хавотирланишли ёки депрессив ҳолат. Беморда амнестик бузилиш бор-йўқлигини текширинг. Сўзларни айтинг ва бемордан уларни беш дақиқадан кейин такрорлашни сўранг. Танаффусларга ва зўриқишига эътибор беринг. Нормада бемор ҳамма сўзларни такрорлаши керак.

4-қадам. Беморнинг ақлий функцияларини текширинг

Интеллект даражаси. Бемордан унинг иши ва қизиқишлари ҳақида сўранг. масалан, мактаб ўқувчисидан бирорта фан ёки фильм ҳақида сўраш мумкин. Бемор ҳозирги маданий ва сиёсий воқеалар ҳақида бирорта нарса билладими, аниқланг. Қуйидагича саволлар беринг: «Ҳозирги президентимиз ким, ундан олдин ким эди?», «Мамлакатимиздаги бешта шаҳарни номини айтинг?», «Қайси театрларга бора-



ЭЪТИБОР БЕРИНГ

Агар бемор жумлани сўзма-сўз талқин этса, унда ақлий заифлик, деменция ёки делирий бўлиши мумкин

Ходимларни бошқариш

сиз?». Саволларни беморнинг қизиқишларидан келиб чиқиб беринг. Масалан, автомобиль ишқибозидан янги машиналар моделлари ҳақида сўраш мумкин. Жавобларни баҳолаб, беморнинг интеллекти даражасини тахминан аниқлаш ва ақли заиф беморларни деменциянинг бошлангич босқичидаги беморлардан ажратиш мумкин.

Саноқ қобилияти. Бир хонали сонлардан бошланг, кейин икки хонали сонларга ўтинг. Осон масалаларни ва мисолларни ёзма бажаришни таклиф қилинг. Агар бемор қийналаётганини сезсангиз, унинг касбини ҳисобга олинг. Беморларнинг ҳаммаси ҳам ақлий меҳнат билан шуғулланишмайди, карра жадвалини билишмайди. Санаш қобилияти бузилганига эътибор беринг. Бу деменция ёки афазиядан далолат бериши мумкин.

Шаклларни қуриш. Бемордан бир варақ қоғозга оддий шаклларни туширишни сўранг ва уларни мураккаблаштиринг: айлана, ромб, куб, кўпбурчак. Агар бемор қийналса ёки топшириқни нотўғри бажарса, унда ақлий заифлик, бош мия тепа қисми зарарланиши ёки деменция бўлиши мумкин.

Абстракт тафаккур. Бемор мақолларни қандай қабул қилишини текширинг. Ақлий даражаси ўртача ва юқори бўлган одам абстракт жавоб беради. Агар бемор жумлани сўзма-сўз талқин этса, унда ақлий заифлик, деменция ёки делирий бўлиши мумкин. Мақолларни сўзма-сўз талқин қилиш ижтимоий мақомнинг пастлиги оқибати ҳам бўлиши мумкин. Ғалати жавоблар шизофренияга чалинган беморларга хос.



ЭЪТИБОР БЕРИНГ

Ниқобсимон юз рухий ёки неврологик хасталикдан, масалан, Паркинсон касаллигидан далолат бериши мумкин

5-қадам. Беморнинг хулқ-атворини кузатинг

Нутқ. Васвасага тушган беморлар баланд овозда ва тез гапиради. Секин ва бир маромда гапирадиган бемор психотроп дори воситаларини қабул қилаётган бўлиши мумкин. Агар бемор шундай дориларни истеъмол қилаётган бўлса ва унинг ланжлиги яқинда уйқудан тургани билан боғлиқ бўлмаса, унга депрессия бўлиши мумкин. Унинг қанчалик чуқурлигини аниқланг ва суицид хавфини баҳоланг. Бунинг учун кетма-кет саволлар беринг, бундай саволлар намуналари куйида келтирилган. Агар беморнинг нутқи

бирданига маъносиз бўлиб қолса, зудлик билан шифокорни хабардор қилинг.

Тана ҳолати ва ҳаракатлар. Бемор қандай ётганига ва юраётганига эътибор беринг. Тананинг таранг ҳолати, ташвишланиш ва беҳаловатлилик хавотирланиш ҳолатларига хос. Депрессиядаги беморлар хонанинг у ёкидан бу ёғига тўхтамасдан юриши, йиғлаши, қўлларини орқага қайириши мумкин. Бундай беморлар стол ёки кроватга оғир хўрсиниб ўтирадилар. Уларнинг ҳаракатлари секинлашган. Васвасали ҳолатларда беморлар баланд овозда гапирадилар, кулаверадилар, рақсга тушиб кетадилар. Уларнинг ҳаракатлари кўпол ва кескин бўлади.

Реакциялар. Беморнинг реакциялари суҳбат мавзусига ва унинг аҳволига қанчалик мослигини баҳоланг. Баъзи бир беморлар олдида кимдир бўлганда оғриқни кучлироқ ҳис этадилар, кўп шикоят қиладилар. Бемордан сўраб кўринг, унинг асабини қўзғатадиган ва тажовузкорлигини оширадиган саволлар борми. Масалан, унинг оиласи ёки бирорта киши ҳақида сўз кетганда.

Имо-ишора. Беморнинг юз ифодаси унинг аҳволига ва суҳбат мавзусига қанчалик мос келишини кузатинг. Масалан, бемор оғриқдан шикоят қила-

Тиббиёт ходимлари учун эслатма. Беморда депрессия чуқурлиги ва суицид хавфини аниқлашга ёрдам берадиган саволлар

Кейинги саволни фақат олдинги саволга ижобий жавоб олгандан кейин беринг.

1. Сизни ғамгинлик ва хафалик безовта қиялптими? (жавоб: ҳа/йўқ)
2. Бундай туйғу анчадан бери борми? (жавоб: ҳа/йўқ)
3. Ғамгинлик ҳисси қанчалик кучли ифодаланган? (ҳеч нарса қилгим келмаяпти, ухлагим келяпти, йиғлагим, бақиргим, деворга тирмашгим келяпти, каби жавобни олгандан кейин кейинги саволга ўтинг)
4. Келажагингизни қандай тасаввур қиялпсиз? Касалхонадан чиққандан кейин нима иш қиласиз? (келажаққа нисбатан салбий ёки бефарқ баҳо бериладиган жавобдан кейин навбатдаги саволга ўтинг)
5. Ҳаёт мазмуни, вақтни, умрингизни беҳуда совурганингиз ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? (жавоб: ҳа/йўқ)
6. Ўлим ҳақида ўйлайсизми? (жавоб: ҳа/йўқ)
7. Жонга қасд қилиш ҳақида фикр келганми? (жавоб: ҳа/йўқ)
8. Буни қандай қилишни режалаштирганингиз? (бу саволга жавоб бемордан нимани кутиш мумкинлигини тушунишга ёрдам беради)
9. Агар ўлсангиз, нима бўлиши мумкин? (бу саволга жавоб бемор ўз жонига қасд қилиш ҳақида қанчалик жиддий ўйлаётганига аниқлик киритади)

ётганда. Бемор ҳар хил вазиятларда бир хил ҳаракатсиз қолса, огоҳ бўлинг. Ниқобсимон юз руҳий ёки неврологик касалликлардан далолат бериши мумкин. Масалан, Паркинсон касаллигидан. Тана ярмисизнинг қимирламасдан туриши инсультдан ёки юз нервлари зарарланидан далолат беради.

«Главная медицинская сестра» (РФ) журнали материаллари асосида тайёрланди.



Журналнинг ўз телеграм-канали бор

Касбдошларингиз билан тажриба алмашининг, саволлар беринг ва уларга жавобларни, шунингдек фойдали мақола-ларга ҳаволаларни ва раҳбар учун тайёр ечимларни олинг.

QR-кодни сканерлаб олиб, бизга қўшилинг!



Норматив ҳужжатлар

2022-2026 йиллар учун соғлиқни сақлаш мақсадлари тасдиқланди

Беш йил ичида минтақаларда тиббий кластерлар ташкил этилади, лабораториялар марказлаштирилади, тиббий асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш тизимлари ва дори воситалари айланмаси такомиллаштирилади. Қўйилган мақсадларнинг тўлиқ рўйхатини янги ҳужжатда кўринг.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонни имзолади.

Тараққиёт стратегиясида соғлиқни сақлаш соҳасидаги белгиланган мақсадлар қуйидагилар:

55-мақсад: Кўрсатилаётган тиббий хизматларни аҳолига янада яқинлаштириш ва қулайлигини ошириш мақсадида республика ҳудудларида тиббиёт кластерларини ташкил этиш.

Наманган, Фарғона, Сирдарё, Қашқадарё, Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида тиббиёт кластерларини ташкил этиш.

56-мақсад: Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, тиббий хизматларни марказлаштириш ва аҳолини тиббий сугурталаш амалиётини жорий қилиш.

Марказлашган лаборатория, стерилизация ва юқори технологик текширувлар тизимини ташкил этиш.

Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини сақлаш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш дастурини 2022-2023 йилларда амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасини рақамлаштиришнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш.

Аҳолини тиббий сугурталаш тизимини босқичма-босқич жорий қилиш.

57-мақсад: Тиббий асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.

Давлат тиббиёт муассасаларидаги тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш тизимини яратиш.

Тиббий асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш бўйича алоҳида корхона ва унинг 13та ҳудудий бўлимларини ташкил этиш

58-мақсад: Дори-дармон ва тиббий буюмлар муомаласини тартибга солиш ҳамда аҳолига арзон ва сифатли маҳсулотлар етказиб бериш тизимини такомиллаштириш.

Электрон рецепт тизимини такомиллаштириш ва кенг жорий этиш ҳамда нархларга риюя этилишини онлайн кузатишнинг ахборот тизимини яратиш.

Фармацевтика маҳсулотларини маркировкалаш тизимини жорий қилиш.

Дори-дармон ва тиббий буюмларни аҳоли учун етказиб бериш тизимини олис ҳудудлар ва маҳаллалар эҳтиёжларидан келиб чиқиб, замонавий механизмлар асосида такомиллаштириш.

59-мақсад: Бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, соҳага ажратиладиган маблағларни ошириш.

Давлат бюджетидан дори воситалари ва тиббий буюмларга ажратилган маблағларнинг 3 баробарга оширилишини таъминлаш. Бунда асосий эътиборни хонадонбай тиббий профилактикани кучайтиришга қаратиш ва «мақсадли» скрининг ўтказиш чораларини кўриш.

Тиббий-санитария хизматининг жозибадорлигини ошириш ва соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш.

Бирламчи тиббий-санитария хизмати ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш.

Бирламчи тиббий-санитария хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

Давлат тиббиёт муассасаларида дори-дармон ва тиббий буюмлар таъминотини янада яхшилаш ҳамда етказиб бериш ва сақлаш тизимини такомиллаштириш.

60-мақсад: Репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.

46 та туманлараро перинатал марказларни ташкил этиш, уларни кадрлар, зарур тиббий техника ва буюмлар билан таъминлаш.

Юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш.

61-мақсад: Тиббий хизматлардаги хусусий секторнинг улушини 25 фоизга етказиш.

Хусусий тиббиётни янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш.

Тиббий фаолиятни юритишда бино ва иншоотларнинг ертўла қисмидан фойдаланиш, шунингдек, лаборатория ва диагностика бўлимлари фаолиятига қўйилган талабларни энгиллаштирган ҳолда халқаро тажрибадан келиб чиқиб, белгиланган техник жиҳатдан тартибга солиш ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш.

Тиббий фаолият ихтисосликларини ташкил этишда моддий техник база ва тиббий асбоб-ускуналарга белгиланган энг кам талабларни соддалаштириш.

62-мақсад: Мамлакатда ишлаб чиқариладиган дори-дармон ва тиббиёт воситаларининг улушини 80 фоизга етказиш.

Импорт маҳсулотлар ҳажминини ва таркибинини оптималлаштириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш.

Замонавий фармацевтика кластерлари ҳамда зоналарини ташкил этиш ва мавжудларини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Норматив ҳужжатлар

63-мақсад: Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги халқаро мақомга эга лабораторияларини ташкил этиш.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг 263 та объектларини зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг 249 та объектида қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишларини олиб бориш.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг кадрлар салоҳиятини ошириш ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш.

64-мақсад: Худудларда бирламчи тиббий хизматни «бир қадам» тамойили асосида ташкил этиш.

Худудлардаги мавжуд эҳтиёж, аҳолининг таклифларини инобатга олган ҳолда 2022-2023 йилларда 61 та оилавий поликлиникалар, 215 та оилавий шифокор пунктларини ташкил этиш.

Аҳолига сифатли тиббий хизматлардан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш мақсадида бирламчи тиббий хизматни маҳаллаларда ташкил этиш учун зарур чораларни кўриш.

Замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда аҳолига масофадан туриб тиббий хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш.

65-мақсад: Малакали шифокорларнинг ойлик маошларини босқич-ма-босқич 1 000 АҚШ доллари эквивалентига етказиш.

Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашда кўрсатиладиган тиббий хизмат тури ва мураккаблиги, шунингдек эришилган натижага кўра ўзгаришини назарда тутувчи тизим яратиш.

2022 йилда қуйидагилар режалаштирилган:

а) худудларда бирламчи тиббий хизматини «бир қадам» тамойили асосида йўлга қўйиб, 105 та оилавий шифокор пункти ва 31 та оилавий поликлиника ташкил этиш.

б) хусусий тиббиёт ташкилотларида Давлат бюджети ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволашга йўллашнинг электрон ахборот тизими орқали уларга бепул тиббий хизматларни кўрсатиш механизмини жорий қилиш.

Фармонни тўлиқ журналнинг электрон версиясида ўқинг.



Норматив ҳужжатлар

2022-2024 йилларга кардиология хизматини ривожлантириш дастури тасдиқланди

Дастурга юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш, барвақт аниқлаш, даволаш ва реабилитация қилиш бўйича тадбирлар, кардиологик касалликларни даволаш стандартлари ва протоколларини қайта кўриб чиқиш, шифокорларнинг малакасини ошириш ва бошқа бандлар киритилган. Батафсил янги ҳужжатда кўринг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.01.2022 йилдаги ПҚ-103-сонли «Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори чиқди.

Ҳужжат қуйидагиларни тасдиқлайди:

- Кардиология хизматини 2022-2024 йилларда янада ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар дастури;
- Кардиология хизматини 2022-2024 йилларда янада ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари;
- Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази филиаллари ҳамда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг кардиология бўлинмаларини 2022 йилда тиббий усқуналар билан жиҳозлашга доир чора-тадбирлар.

Юрак-қон томир касалликларининг олдини олишда асосий йўналишлар:

- бирламчи тиббиёт муассасалари томонидан даврий тиббий кўрикларни йўлга қўйиш ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш;
- эҳтиёжманд аҳоли қатламларини зарур дори воситалари билан бепул таъминлаш;
- ҳудудларда кўрсатилаётган юқори технологик, каминвазив кардиологик ҳамда кардиожарроҳлик тиббий хизматлар кўламини ошириш;
- юрак-қон томир касалликлари бўлган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш тизимини рақамлаштириш.

Норматив ҳужжатлар

Юрак-қон томир касалликларини эрта аниқлаш ва уларнинг олдини олиш мақсадида шу йилдан бошлаб:

- йилига бир марта 18 ёшдан 40 ёшгача бўлган аҳолининг саломатлик профилини (овқатланиш характери, тамакига қарамлик, тана вазни индекси, артериал босим, қондаги қанд ва холестерин даражаси ва бошқалар) баҳолаш;
- 40 ёшдан ошган аҳолини оилавий поликлиника ва тиббиёт бригадалари орқали йилига камида бир марта манзилли скрининг текширувларидан ўтказиш;
- юрак-қон томир касалликлари аниқланган беморларнинг ягона электрон реестрини юритиш ҳамда ушбу турдаги касалликлари мавжуд «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»да бўлган 200 мингдан зиёд аҳолига эналаприл (Enalapril) дори воситасини бепул тарқатиш;
- эҳтиёжга кўра туман (шаҳар) шифохоналари лабораторияларини коагулометр ускунаси ҳамда зарур реактивлар билан тўлиқ таъминлаш йўлга қўйлади.

Қарорни тўлиқ журналнинг электрон версиясида ўқинг.

Ҳурматли журналхонлар!

Энди сизда «Sog'liqni saqlashni tashkil etish va boshqarish» журналинини электрон версияда ўқиш имконияти пайдо бўлди

<https://e.zdrav.mcf.r.uz>

Электрон версияга обуна бўлиш масалалари юзасидан муражаат учун:

Тел.: +998 78) 150 00 09
+998 90) 968 98 69

e-mail: publishing@mcf.r.uz

Электрон журнал – бу:

- журналнинг 2017 йилдан бери чиққан барча сонлари билан биргина клик ёрдамида танишиш имконияти;
- соғлиқни сақлашга оид ҳужжатларнинг намуналари, норматив ҳужжатлар;
- экспертларнинг саволларга жавоблари;
- қулай кидириш функцияси: ўзингизни қизиқтирган мавзулар бўйича материалларни осонгина топасиз;
- журнални дунёнинг исталган жойидан туриб ПК ва мобиль ускуналар ёрдамида ўқиш имконияти.





Норматив ҳужжатлар

Шу йилдан бошлаб эндокрин касалликлар патронажининг янги моделли амал қила бошлайди

2022 йил 1 апрелдан эндокрин касалликларга чалинган беморларнинг тиббий кузатуви ва патронажининг янги модели жорий этилади. Шунингдек, эндокринология хизмати вазифалари қайта кўриб чиқилди ҳамда 2022-2024 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни ривожлантириш дастури тасдиқланди. Тафсилотларни янги ҳужжатда ўқинг.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 26.01.2022 йилдаги ПҚ-102-сонли «Эндокринология хизматини такомиллаштириш ва қўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

2019-2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш бўйича миллий дастурига яқунлай ясайди ва эндокринология хизматини такомиллаштириш бўйича янги мақсадлар ва вазифаларни қўяди.

Асосий йўналишлар сифатида қуйидагилар белгиланди:

а) академик Ё.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази – ҳудудий тиббиёт муассасалари – туман (шаҳар) тиббиёт муассасалари ўртасида тизимли узвий боғлиқликни таъминлаш;

б) соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида эндокрин касалликлар профилактикаси, уларни барвақт аниқлаш ва бошқариш дастурларини амалиётга жорий этиш. Бунда:

- бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ва оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш ҳамда жисмоний фаолликни оширишни тарғиб этиш;
- оилавий шифокорларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш орқали касалликни барвақт аниқлаш ва олдини олиш қўламини кенгайтириш;
- туман (шаҳар) тиббиёт муассасалари тор соҳа мутахассислари фаолиятига эндокрин касалликларни эрта ташхислаш, асоратларининг олдини олиш алгоритмларини жорий қилиш;

Норматив ҳужжатлар

в) қандли диабетга чалинган беморларнинг замонавий диспансер назорати (онлайн регистр) тизимини жорий этиш орқали ҳар бир бемор ҳолатининг мониторингини юритиш;

г) аҳолининг касалликка чалиниш хавфи юқори бўлган гуруҳлари, жумладан, болалар, ўсмирлар, ҳомиладор ва эмизикли аёлларни йод препаратлари билан бепул таъминлаш орқали йод танқислиги касалликларининг самарали профилактикасини таъминлаш;

д) «Профилактика мактаблари»га топ соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда беморлар ва уларнинг оила аъзоларига эндокрин касалликни бошқариш усулларини ҳамда касаллик билан яшашни ўргатиш;

е) ташхислаш ва даволашнинг юқори технологияли ҳамда инновацион усулларини амалиётга жорий этиш орқали ҳудудларда ва Марказда юқори технологик жарроҳлик амалиётлари улушини ошириш;

ж) эндокринология йўналишида илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштириш, соҳа ходимларининг илмий салоҳиятини ошириш.

2022 йил 1 апрелдан бошлаб қуйидагиларни назарда тутувчи тиббий кузатув ва патронажнинг янги модели жорий этилади:

- оилавий шифокорларни эндокрин касалликларни ташхислаш ҳамда даволаш бўйича қайта тайёрлаш;
- эндокрин касалликлар мавжуд оилаларга махсус тайёргарликдан ўтган патронаж ҳамширасини бириктириш;
- патронаж ҳамшираси томонидан эндокрин касаллиги бўлган, умумий ҳолати қониқарли ёки хавф гуруҳидаги аҳолини эрта аниқлаш ва дифференциаллашган ёндашув асосида кузатиб бориш;
- тиббий кузатув натижалари бўйича хавф омиллари юқори бўлган беморларни шифокор олди кўриги хоналари ҳамширалари ҳамда оилавий шифокорларга йўналтириш;
